





XASR



ITIMOIY-SIYOSIY GAZETA
Газета 2004 йил 1 январдан чiqа бошлаган
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_asr@yahoo.com

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2011 йил 27 январь, пайшанба
04 (376)-сон



ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЎРТА СИНФ ШАКЛЛАНИШИ УЧУН ЗАРУР АСОСЛАРИ ЯРАТИШ БОРАСИДА ҲАМ ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР ОЛИБ БОРИЛДИ



ЎТган йилда «АМИРБАНК» КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИНИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК, СЕРВИС СОҲАСИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА йўналтириб, 7 млрд. 156 млн. сўм миқдорида кредит ажратган



Сўнги ойларида Греция, Италия, Исландия, Португалия ва Испаниядаги мураккаб вазият юзасидан билдирилаётган хавотирлар оқибатида Евро курси долларга нисбатан 10 фоиз арзонлади

✓ АНОНС

БОСҚИЧМА-БОСҚИЧЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

2011 йилда Марказий банк билан ҳамкорликда ўрта бўғин кадрларини иш билан таъминлашга тижорат банклари томонидан **21,5** млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар берилиши назарда тутилмоқда.

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ОЛИБСОТАР ЭМАС

«Каршимебель» масъулияти чекланган жамияти **2010** йилда **675** млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Қўрилган фойда корхонани техник ва технологик янгилашга сарфланаётгани боис ўтган йилларда маҳсулот тури **70** тага етказилди.



«АВСТРАЛИЯ-2015»ДА АЛБАТТА ФИНАЛГА ЧИҚАМИЗ

Эртага Дохадаги «Ал Саид» стадионида Вадим Абрамов мураббийлигидаги футболчиларимиз қитъанинг учинчи жамоаси, деган ном учун Жанубий Корея термасига қарши тўп сурадилар.

✓ Бугунги сонда:

ХДП ЎЗ ҚАРАШЛАРИНИ ЎЗГАРТИРАЁТГАНИ РОСТМИ?

НИХОЯТ, ХДП ЎЗ ЭЛЕКТОРАТИ БИЛАН БОҒЛИК МУАММОЛАРНИ ФАҚАТ ВА ФАҚАТ О'ZLiDeP ЭЛЕКТОРАТИ БЎЛГАН ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, УЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОРҚАЛИГИНА ҲАЛ ЭТИШ МУМКИНЛИГИНИ, ЯъНИ БУГУН ҚАЙСИ ҲАМ ОУСТУВОР ЭКАНИНИ ТУШУНИБ ЕТМОҚДА. АГАР ХДПНИНГ АНА ШУНДАЙ ҚАРАШЛАРИ БИР КУН КЕЛИБ ЯНА ЎЗГАРИБ ҚОЛМАСА, ПАРТИЯГА ҲАМ, ЖАМИЯТИМИЗГА ҲАМ КўПРОК НАФ КЕЛТИРИЛГАН БЎЛУР ЭДИ. БУ ЭЪТИРОФ МАЪРУЗА ДАВОМИДА ЯНАДА СОДДАРОҚ ТИЛДА ТАҚРОРЛАНАДИ. ЯъНИ, «...БИЗНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИМИЗГА КИРИТИЛГАН УЧТА МУҲИМ ОУСТУВОР йўналишни жойларда амалга ошириш учун тадбиркорликнинг аниқ ХАРАКАТЛАРИ ЗАРУР».


05»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 25 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади:

03 НУҚТАИ НАЗАР

06 МОЛИЯ

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ



Муддат қисқартирилади

ОЛИЙ МАЖЛИС КОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ О'ZLiDeP ФРАКЦИЯСИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ «ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШНИНГ АЙРИМ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИНИ ЎТҚАЗИШ МУДДАТЛАРИНИ ТЕЗЛАШТИРИШГА йўналтирилган «БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ КОНУНГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚўШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ КОНУН ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШДАН БОШЛАНДИ

Мажлисида банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётгани, бу борада тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансида ўтказиш механизмининг жорий қилиниши банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, уни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда иш ўринлари ташкил этиш мақсадларига қаратилаётгани алоҳида таъкид-

ланди. Бугунги кунда тижорат банклари балансида берилган 147 та банкрот корхонанинг 140 тасида ишлаб чиқариш қайта тикланиб, уларнинг 64 таси янги инвесторларга сотилгани ана шу жараённинг муваффақиятли кечаётганини кўрсатади. Банклар томонидан мазкур корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш учун 156 миллиард сўм миқдорида инвестиция йўналтирилиб, 21 мингдан кўпроқ иш ўрни ташкил қилинди. Натижада қайта тикланган корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми 460 миллиард сўмни ташкил этиб, умумий қиймати 165 миллион доллар-

дан ортиқ бўлган турли маҳсулотлар экспорт қилинди. О'zLiDeP фракцияси аъзолари таъкидлашларича, амалдаги «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишдан мақсад ҳам банкрот корхоналарнинг молиявий барқарорлигини тиклаш борасидаги ишларни янада ривожлантиришдан иборатдир. Депутатлар қайд этишларича, амалдаги қонуннинг кредиторларнинг биринчи йиғилиши суд мажлисида камиди ўн кун муддат қолганда ўтказилиши лозимлиги белгиланган 10 ва 71-моддаларига ўзгартиш киритиш назарда тутилмоқда.

Унга қўра, судга йиғилиш баённомасини топшириш муддатини икки кунгача, суднинг йиғилиш баённомаси билан таъинишчи эса уч кунлик муддатга қисқартириш таклиф этилмоқда. — Қонуннинг 110-моддасида қарздор корхонани сотиш очик кимошди савдоси ўтказиш йўли билан амалга оширилиши ҳамда бу ҳақдаги эълон расмий нашрда чоп этилиши белгиланган, — деди кўйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Муҳаммадjon Турсунов.

»02

Изчил ислохотларнинг амалдаги самараси

ЮРТБОШИМИЗНИНГ 2010 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2011 ЙИЛГА МУЎЖАЛЛАНГАН ЭНГ МУҲИМ ОУСТУВОР йўналишларга БАҒИШЛАНГАН МАЪРУЗАСИ ҲАР БИРИМИЗНИ ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ РУҲЛАНТИРГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМ



МУНОСАБАТ
Муҳаммадйосиф ТИШАБОВЕВ,
О'zLiDeP Сиесий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси

Маърузада белгиланган устувор йўналишлар тўғри танланган йўлнинг тарихан қисқа муддатлардаги амалий натижаларидан далолатдир. Бу айтиш пайтда олиб

борилаётган туб ислохотлар самарасининг амалдаги ёрқин намунаси ҳам бўлди. Бир сўз билан айтганда, ушбу маърузани келгуси ўйилликларга мўлжалланган ва аниқ мақсадларга

қаратилган концептуал дастурларнинг узвий давоми, дейиш мумкин. Шу ўринда эришилган ютуқлар ўз-ўзидан эмас, балки улкан заковат, тинимсиз меҳнат туфайли қўлга киритилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан йигирма йил аввалги вазият билан бутунги кунларимизни солиштирсак, истиқлол йилларида қўлга киритилган натижаларнинг бутун миқёсини англагандек бўламиз.

2»

Бунёдкорлик озод ватан

Ирнерио СЕМИНАТОРЕ: «Ўзбекистон Президенти Европа Иттифоқи ва НАТО билан муносабатларнинг янги саҳифасини очмоқда»

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БРЮССЕЛГА ТАШРИФИ ЕВРОПАНING СИЁСИЙ, ЭКСПЕРТ-ТАҲЛИЛ ВА ЖАМОАТ ДОИРАЛАРИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ

Хусусан, Европа халқаро муносабатлар институти Президенти Ирнерио Семинаторе «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатда Президент Ислам Каримовнинг Европа Иттифоқи ва НАТОнинг нуфузли институтларига ташрифи ушбу нуфузли тузилмаларнинг Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларидаги гоят муҳим воқеа бўлганини таъкидлади.

Экспертнинг фикрича, ташриф асносида Президент Ислам Каримовнинг Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозо, ЕИнинг энергетика бўйича комиссари Гюнтер Эттингер ва НАТО Бош қотиби Андерс Фог Расмуссен билан учрашув ва музокаралари чоғида Ўзбекистон-ЕИ, Ўзбекистон-НАТО кўп томонлама муносабатларини ривожлантириш истиқболларига оид масалалар юзасидан очик ва конструктив тарзда фикр алмашилди.

— Ўзбекистон Президентининг ташрифи воқеаларга жуда бой ва самарали бўлди, деб ҳисоблайман. Учрашувлар чоғида муҳокама қилинган мавзулар нафақат икки томонлама муносабатлар, балки Афғонистондаги вазият, Қирғизистондаги аҳвол, томонларнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш ҳамда терроризм ва экстремизм таҳдидларини бартараф этишдаги ҳамкорлиги масалаларини ҳам қамрагани, менимча, муҳим аҳамиятга эга, — деб таъкидлади И.Семинаторе.

Бельгиялик нуфузли эксперт Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг ташрифи доирасида минтақавий ва глобал хавфсизлик ҳамда энергетика каби стратегик масалаларга тааллуқли қатор муҳим ҳужжатлар имзолангани томонлар ўртасидаги муносабатларда ёрқин ижобий ўзгаришни яққол намоён этганини қайд қилди.

И.Семинаторенинг сўзларига қўра, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Брюсселга ташрифи кўп томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ривожланиши учун янги суръат бахш этди.

— Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда ва Президент Ислам Каримов ўтказган учрашувларда бу алоҳида қайд қилинди, — деди бельгиялик эксперт. — Шу билан бирга, Ўзбекистон ушбу жафокаш мамлакатда тинчлик ва барқарорликка эришишининг янги муқобил йўлларида топилган бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда. Хусусан, Ўзбекистон раҳбарининг БМТ шафёлигида «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш тўғрисидаги таклифи алоҳида эътиборга моликдир.

И.Семинаторе Президент Ислам Каримовнинг узокни кўзлаб юритаётган пухта ўйланган, минтақада тинчлик ва барқарорлиқни сақлашга қаратилган сиёсати, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини барқарор сақлаб туришдаги муваффақиятлари, иқтисодиётни эркинлаштириш ва фуқаролик жамияти ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида муҳим аҳамиятга эга экани халқаро жамоатчилик томонидан юксак баҳолашнинг таъкидлади.

Суҳбат якунида И.Семинаторе Президент Ислам Каримовнинг Брюсселга ташрифи Ўзбекистон билан ЕИ ва НАТО ўртасидаги ўзаро англашувни мустаҳкамлаш ва самарали ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этди.



Ирнерио СЕМИНАТОРЕ,
Европа халқаро муносабатлар институти Президенти

1 Австралия доллари	↑ 1630,20	1 АҚШ доллари	↑ 1650,84	1 Хитой юани	↑ 250,77	1 Туркия лираси	↓ 1048,95	1 Япония иенаси	↑ 199,47
1 Англия фунт стерлинги	↑ 2635,57	1 Миср фунти	↑ 284,24	1 Малайзия ринггити	↑ 540,11	1 Швейцария франки	↑ 1720,38	1 Россия рубли	↑ 55,01
1 Дания кронаси	↑ 301,25	1 Исландия кронаси	↓ 14,14	1 Польша злотийси	↑ 578,21	1 ЕВРО	↑ 2213,36	1 Украина гривнаси	↑ 207,82
1 БАА дирҳами	↑ 4498,51	1 Канада доллари	↓ 1661,14	1 СДР	↑ 2566,40	1 Жанубий Корея вони	↓ 14,73		

1 Изчил ислохотларнинг амалдаги самараси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Маълумки, 90-йиллар бошида мамлакат оғир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ғўртаналар гирдобиде қолган эди. Ҳар қандай шароитда ҳам олдин ана шу оғир вазиятдан эсон-омон чиқиб олиш, Ўртбошимиз ибораси билан айтганда, «ҳеч қандай ларзаларсиз», мамлакат барқарорлигини сақлаган ҳолда, тадрижий йўл билан ҳаётни изга солиш тамойили танлаб олинди.

Шу маънода биз, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари, маърузада келтирилган ютуқ ва натижаларни акс эттирувчи ҳар бир рақам ва кўрсаткичнинг таъминини англаб етишимиз, улардаги кенг қамровли ва узоқни кўзловчи эзгу мақсадларни тўлиқ фаҳмлаш, уларни ҳолисона ва аниқ мисоллар асосида ўз сайловчиларимиз ҳамда партия электорати вакилларига етказиш ва тушунтиришни долзарб вазифа сифатида белгилаб олмақдамиз. Жумладан, ушбу йилнинг энг муҳим устувор вазифалари сирасига бошқа соҳалар қаторида, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда ернинг тупроқ унумдорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда соҳани модернизация қилиш, тех-

ник жиҳатдан янгилашга йўналтирилган махсус комплекс чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш масаласи ҳам киритилмоқда. Уни бутунг ривожланишимизнинг муҳим янгиллиги, деяр баҳолаш ҳам мумкин.

Тўғри, аграр соҳа мустақилликнинг илк кўнлариданоқ Ўртбошимизнинг доимий эътиборида бўлди. Давлатимиз томонидан мунтазам равишда қатор чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши, катта ҳажмдаги бюджет маблағлари йўналтирилиётгани бунинг амалий исботидир. Соҳага тааллуқли бўлган амалдаги 17 та қўнуни янада такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишларимизни яна бир қарра танқидий қайта қўриб чиқиш бутун олдимизда турган энг муҳим вазифалар сирасига кирди, албатта. Бунда, биринчи навбатда, О'зЛиДеР фракцияси аъзоларидан иборат бир гуруҳ депутатлар томонидан қўнуни ташаббускорлиги ҳуқуқий асосида тайёрланаётган «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қўнунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қўнуни лойиҳаси бўйича ишларни янада жадаллаштиришимиз зарур.

Айни пайтда Сайловолди дастуримизда белгиланган қишлоқ

ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий кучи ҳисобланмиш фермер ҳўжаликлрининг қўнуний манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган ҳуқуқий механизмларнинг самарали ишлашига эришиш бора-бор вазибалар ҳам зиммамизга масъулият юклатмоқда. Бу борада ҳам ашё, материаллар ва товарларнинг белгиланган муддатларда етказиб бериш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китобни амалга оширишда тайёрловчилар ва таъминотчиларнинг масъулиятини кучайтириш, қайта ишланган саноат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш учун қўлай шарт-шароит яратиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштиришда рўй берадиган расмий-ятчилик ҳолатларига чек қўйиш юзасидан сайловчиларимиз ҳамда партия электоратига берилган вазифаларни бажаришимиз зарур.

Албатта, 2011 — Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили О'зЛиДеР учун жиддий имтиҳон ва улкан масъулият йили бўлади. Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Чунки бутун кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққий

йўлидан фаол ҳаракатлантирувчи кучга айланди. Бундан 15 йил аввал кичик бизнес субъектлари 100 мингтани ташкил этган бўлса, бугун улар сони 400 мингдан ошиб кетди. Натижада ялпи ички маҳсулотдаги хусусий сектор улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бутунга келиб 52,5 фоизга кўтарилди. Аҳолининг қарийб 74 фоизи кичик бизнес ва тadbиркорлик орқали ўз турмушини яхшилаш имконига эга бўлди. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ ўрта синфнинг иқтисодийетимиздаги ўрнини кўрсатади, албатта. Бизга қўйилаётган талаб эса мазкур қатлам вакилларининг ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган фаолиятимизни янада жонлантиришдан иборатдир.

Шу сабабли ҳам О'зЛиДеР ўз электорати манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш, ислохотлар йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бораборида маърузада белгилаб берилган барча вазибалар ижросини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этиши зарурлигини яхши англаймиз. Бу эса дастурий вазифаларни амалга ошириш ва олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун бутун куч ва имкониятларимизни, билим ва тажрибамизни сафарбар этишимизга боғлиқ.

2 Юрт тараққийетида дахлдорлик барчамизни янада фаол бўлишга ундайди



Абдурашид ЖўРАБОВЕВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аxbорот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси

Юртбошимизнинг «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққийетини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» деб номланган маърузасида 20 йилда эришилган ютуқ ва муваффақиятларимизнинг бутун мазмун-моҳияти очиб берилди.

Албатта, истиқбол йилларида бошқа соҳалар қатори аxbорот-коммуникация технологиялари соҳасини ҳам юксалтириш иқтисодий ислохотларнинг бош йўналишларидан бирига айланди. Чунки бу йўналиш нафақат республикани аxbоротлашган жамиятга айлантириш, балки мамлакатимиз иқтисодийетини жадал ривожлантиришда ҳам ўзига хос «локомотив» ролини ўйнайди.

Шу ўринда беихтиёр мустақил-лигимизнинг дастлабки йилларида Президентимиз томонидан билдирилган «Биз яқин йиллар давомида алоқа ва телекоммуникация ривожини бўйича жаҳон стандартлари даражасига кўтарилишимиз лозим. Ривожланган коммуникация тизими бўлмаса, Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди. Биз бунинг аниқ ҳис қилишимиз лозим», деган фикр ёлға тушди.

Ушбу дастурий вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда компьютер ва аxbорот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқларини, интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартлари даража-

сига етказиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Ана шундай саёй-ҳаракатлар самараси ўлароқ юртимиз мобиль алоқанинг ривожланиш кўрсаткичи бўйича дунёда етакчи ўрнини эгаллаган ўн та давлат қаторига чиқиб олди. Мамлакатимизда мобиль алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 2000 йилдагига нисбатан 200 баробар ошди, ҳозирги кунда 19 миллионгани ташкил этади. Яна шунинг фахр ва ифтихор билан эътироф этиш жоизки, бутун Ўзбекистонда собиқ иттифоқ ҳудудида биринчилардан бўлиб қўламли ва кенг форматли телевидениега ўтиш бўйича катта миқёсдаги дастур амалга оширилди.

Албатта, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби бу соҳада ҳам ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган

«Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номи маърузасида баён этилган қоидаларни амалга ошириш юзасидан 2011 ва кейинги йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури»да белгиланган вазифалар бу борада биз учун муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжат асосида қўмита иш режаси ишлаб чиқилиб, унга асосан оммавий аxbорот воситаларини янада демократлаштиришга, сўз эркинлиги, ўтказилаётган ислохотларнинг шаффофлигини таъминлаш ва коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга қаратилган тўртта янги қўнуни қабул қилиш ва амалдаги бир қатор қўнуни ҳужжатларини такомиллаштириш назарда тутилган.

3 Танлаган йўлимиз тараққийетта етакламоқда



Илҳом НАСРИЕВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қўрилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси

Бугун дунё жамоатчилиги кўз ўнгиде она диёримизнинг глобал инқироз хатарлари ва таҳдидларига қаршилик кўрсатибгина қолмай, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатлари, одамлар фаровонлиги ва бахт-саодатини таъминлашга қодир мамлакат сифатида намоён бўлаётгани бежиз эмас, албатта. Бундай натижаларга, энг аввало, халқимизга хос босиқлик, ҳар бир ишда узоқни кўзлаб, тадрижийлик тамойили асосида иш юритилгани сабаб бўлди. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури эса инқироз шароитида унинг салбий оқибатларини бартараф этишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Ўз вақтида ишлаб чиқилган ана шу дастурга мувофиқ, энг аввало, мамлакат саноатининг етакчи кучи ҳисобланган ишлаб чиқариш объектларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга бирламчи эътибор қаратилди. Бунда, айниқса, халқимизнинг «Янгисини қўрмадан эскисини бузма» деган пурмаёно ҳикмати амалиётга таъбиқ этилгани ижобий самара берди.

Ана шу мақсадга қаратилган ишлар қўламини кенгайтириш учун «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва техно-

логик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари» дастури ҳам ишлаб чиқилиб, унда 42,5 млрд. АҚШ долларига тенг 885 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш назарда тутилди. Ана шу дастур асосида бугунгача 2,7 млрд. АҚШ долларига тенг 419 та лойиҳани амалга ошириш ақунланганини таъкидлаш жоиз. Нефтьгаз, кимё, металлургия саноати ва бошқа соҳаларда эса 36 та йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Бу минг-минглаб иш ўринлари яратилди, рақобатга чидамлай экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча имкониятлари юзага келди, деганидир.

Ўтган давр мобайнида иқтисодий инқироз ва унинг тугаланиш босқичида узоқ муддатли барқарор иқтисодий ривожланиш таъминлаш ва унинг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини ошириб боришга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Бу эса ўз навбатида илгор инновацион технологияларга асосланган янги иқтисодий тизимни шакллантиришга замин яратувчи саноат, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма соҳасида муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш билан узвий боғлиқ жараёнларга акс этмоқда.

Юртбошимизнинг йил ақунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида Ўзбекистоннинг 2011 йилдаги энг устувор йўналишлар ҳам белгилаб берилдики, бу ҳар биримиздан юксак масъулиятни, ўз фаолиятимизда ташаббускорлик ва ижодий изланишларни талаб этади. Шу ўринда «2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги дастурга кўра саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу яқин беш йил ичиде саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 60 фоиз ошириш, ялпи ички маҳсулотдаги улушини эса ҳозирги 24 фоиздан, 2015 йилга бориб 28 фоизга кўпайтириш назарда тутилмоқда, деганидир.

Ана шу хайрли ишларни амалга оширишда парламент ва депутатлар фаоллиги хусусан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракциясининг қўнуни ташаббускорлиги фаолиятимиз мезонига айланиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

4 Ривожланишнинг «ўзбек модели»



Бахтиёр ИМИНОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси

Энг аввало, Президентимиз маърузаси таҳлилий ва дастуриламал хусусиятга эга бўлгани билан ниҳоятда аҳамиятли эканини таъкидлашнинг истардим. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик шодиёналарни кенг нишонланадиган йил биздан барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни атрофича таҳлил этиб, келгуси режаларимизни аниқ-равшан белгилаб олишни талаб этиши билан ҳам муҳимдир.

Ўтган йил ақунларига кўра, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 8,5 фоиз ошди. Иқтисодиётда солиқ юки камайтилгани ҳолда Давлат бюд-

ни алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу яқин беш йил ичиде саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 60 фоиз ошириш, ялпи ички маҳсулотдаги улушини эса ҳозирги 24 фоиздан, 2015 йилга бориб 28 фоизга кўпайтириш назарда тутилмоқда, деганидир.

Ана шу хайрли ишларни амалга оширишда парламент ва депутатлар фаоллиги хусусан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракциясининг қўнуни ташаббускорлиги фаолиятимиз мезонига айланиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Энг аввало, Президентимиз маърузаси таҳлилий ва дастуриламал хусусиятга эга бўлгани билан ниҳоятда аҳамиятли эканини таъкидлашнинг истардим. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик шодиёналарни кенг нишонланадиган йил биздан барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни атрофича таҳлил этиб, келгуси режаларимизни аниқ-равшан белгилаб олишни талаб этиши билан ҳам муҳимдир.

Ўтган йил ақунларига кўра, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 8,5 фоиз ошди. Иқтисодиётда солиқ юки камайтилгани ҳолда Давлат бюд-



5 Муддат қисқартирилади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Кахрамон САЙДАЛИЕВ, «XXI asr» мухбири

— Агар эълонда кўрсатилган муддатда битта ҳам талабнома олинмаса ёки битта иштирокчилангина талабнома тушган бўлса, қардор қорхонани сотиш бўйича кимовши савдоси амалга ошмаган деб топилади ва савдо қайта ўтказилади.

Бунда мол-мулкнинг нархи 10 фоизгача пасайтирилган ҳолда такрорий аукцион савдолари ўтказиш ҳақидаги хабар ОАВда кимовши савдоси ўтказилишдан камида 15 кун аввал эълон қилинади. Ушбу қоидалар банк қорхоналар мол-мулкни сотишга ҳам қўллаш тақдифи илгари сурилмоқда.

Бундан ташқари, қўнунида кредиторларнинг банк қорхоналарини тезроқ ва самарали тугатиш бўйича жавобгарлигини ошириш мақсадида улар тегишли қарор қабул қилишлари учун 10 кунлик муддат белгилаш ва қўнунининг 143-моддасини ушбу норма билан тўлдирish тақдифи этилмоқда. Шунингдек, қўнунига кўра, сотувга қўйилган, лекин сотилмаган мол-мулк, кредиторлар уни қабул қилишни рад этган тақдирда, тугатиш босқарувчиси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказилиши белгиланган. Бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари 1 ойлик муддатда кўрсатилган мол-мулкни ўз балансига олиши зарур. Тугатишга доир иш юритишнинг ўтказиш муддатини тезлаштириш мақсадида ушбу мол-мулкни қабул қилиш муддатини 15 кунга қисқартириш назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, ана шу муҳим қўнуни лойиҳасининг қабул қилиниши банк қорхоналарини тугатиш билан боғлиқ айрим тартиб-қоидаларни амалга ошириш муддатини мақбуллаштирилади ва уларнинг мол-мулкларини сотишнинг тезлаштирилади. Бу ўз навбатида ўрта синф манфаатларини ифода этиб, уларнинг ривожланиши ва янги ишлаб чиқариш объектларига эга бўлишларига сабаб бўлади.

Мажлис иштирокчилари, шунингдек, биринчи ўқишда киритилаётган «Жиноят-процессуал кодексининг 339-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қўнуни лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, «Божхона хизмати тўғрисида»ги қўнунининг 5-моддасига асосан божхона органлари ўз ваколатлари доирасида тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эгадилар. Ана шундан келиб чиқиб, божхона органлари томонидан 2008-2009 йиллар ва 2010 йилнинг 10 ойи давомида 7539 та тезкор-қидирув тadbирлари амалга оширилиб, ҳуқуқбузарлардан 46,2 миллилар сўмлик товарлар қидирув ашё сифатида олиб қўйилган. Аниқланган ҳолатларнинг 1141 таси бўйича жиноят ишлари қўзғатилган бўлса, 6398 таси бўйича маъмурий ишлар юритилган.

Жиноят-процессуал кодексига эса божхона органларининг мазкур функцияси акс эттирилмаган. Қўнуни лойиҳасининг қўлла тутилган мақсад мазкур кодекснинг 339-моддаси иккинчи қисмидаги тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар қаторига божхона органларини ҳам қўшилиши белгиланган. Бу амалдаги қўнуниликда юзага келаётган номувофиқликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Фракция мажлисида депутатлар «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қўнунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ҳамда «Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабининг бекор қилиниши Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги қўнуни лойиҳаларини биринчи ўқишда қўриб чиқдилар.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Албатта, Юртбошимизнинг маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси зиммасига алоҳида масъулият юклатишни таъкидлаш жоиз. Бу, аввало, Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йилида хусусий мулкни муҳофаза қилиш ва тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг ишончли кафолатларини таъминлаш, ўрта синф вакиллари учун янада қўлай шарт-шароитларни яратиш ва шу асосда аҳоли бандлиги ҳамда турмуш фаровонлигини таъминлаш, ўрта синф манфаатларини таъминлаш, шунингдек, қўнунида қўйилган мақбуллаштирилади ва уларнинг мол-мулкларини сотишнинг тезлаштирилади. Бу ўз навбатида ўрта синф манфаатларини ифода этиб, уларнинг ривожланиши ва янги ишлаб чиқариш объектларига эга бўлишларига сабаб бўлади.

Албатта, Юртбошимизнинг маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси зиммасига алоҳида масъулият юклатишни таъкидлаш жоиз. Бу, аввало, Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йилида хусусий мулкни муҳофаза қилиш ва тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг ишончли кафолатларини таъминлаш, ўрта синф вакиллари учун янада қўлай шарт-шароитларни яратиш ва шу асосда аҳоли бандлиги ҳамда турмуш фаровонлигини таъминлаш, ўрта синф манфаатларини таъминлаш, шунингдек, қўнунида қўйилган мақбуллаштирилади ва уларнинг мол-мулкларини сотишнинг тезлаштирилади. Бу ўз навбатида ўрта синф манфаатларини ифода этиб, уларнинг ривожланиши ва янги ишлаб чиқариш объектларига эга бўлишларига сабаб бўлади.

1 Ўрта синф — барқарор тараққиёт кафолати

Давоми. Бошланиши олдинги сонда

Кийимдин НАЗАРОВ

Юртбошимиз томонидан яратилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да истиқлолнинг илк йиллариданоқ мулкдорлар қатлами шакллантириш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларига алоҳида эътибор берилган.

Мамлакатимизда қабул қилинган мулк, фермер хўжаликлари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, монополияга қарши кураш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш имконини берди. Бу, айниқса, Конституциямизнинг 53-моддасида ҳам ўз аксини топиб: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуворлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонуни назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин”, дея белгилаб қўйилган.

Мустақиллик йилларида ушбу соҳани ривожлантириш борасидagi ишлар изчил амалга оширилгани учун ҳам икки бозоримизни истеъмол товарлари билан тўлдириб, аҳолининг иш билан бандлиги ва унинг даромадларини оширишда хусусий сектор асосий ўрнини эгаллаб бормоқда. Шунинг учун ҳам ушбу соҳа бугунги кунда энг йirik меҳнат бозори, ўрта синфни шакллантиришнинг асосий омилли, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаига айланди, дейиш мумкин. Айнан ана шу тоифа кишилари ўз бизнесини ривожлантиришдан, иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашдан ва, энг асосийси, мамлакатдаги тинчлик ва хотиржамликдан энг кўп манфаатдор бўлган кишиларга айланоқдалар.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, ўрта синфнинг шаклланиши билан боғлиқ жараён жўн ва оддий бир ҳодиса бўлмай, бу айни пайтда мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётини тубдан ўзгартириш, жамиятимизни демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнининг таркибий қисми ҳамдир. Маълумки, ҳар қандай даврда ҳам жамият тузилиши ўзгариши, янги қатлам ва синфларнинг юзага келиши ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бу бизнинг кунларимизда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Мазкур жараёни Юртбошимиз томонидан яратилган Концепция асосида таҳлил қилсак, мамлакатимизда истиқлол йилларида ўрта синфнинг шаклланиши ва барқарор ривожланиши учун асослар яратилганига гувоҳ бўламиз.

Хусусан, ўтган даврда мулкдорлар қатлами шаклланишининг иқтисодий асослари яратилди. Яъни янги иқтисодий тизим ва мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келди. Бозор муносабатлари ва иқтисодий плюрализм бунда бош йўналиш қилиб олинган бўлса-да, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига бирламчи эътибор қаратилди. Собик иттифоққа соҳ бўлган экстенсив усуллардан тамоанан воз кечилиб, иқтисодиётни ривожлантиришнинг жаҳонда ўзини оқлаган замонавий усулларига ўтилди. Натижада демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида рўй бер-

ган туб ўзгаришларнинг ўрта синф шаклланишига имкон берадиган иқтисодий асослар мустаҳкамланди.

Маълумки, мулкдорлар қатлами шаклланиш жараёнининг ижтимоий асослари мустаҳкам бўлиши зарурлиги тарихий тараққиётда кўп бора исботланган ҳақиқатдир. Ҳар қандай жамият ва мамлакатда халқнинг турли қатламлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати ва ёндашуви ўзгарма-

янчилишига уйғун равишда инсон модернизацияси, одамларнинг ўзларида, уларнинг онги ва тафаккурида, мулкчилик шакллари, айниқса, хусусий мулк ва мулкдорларга бўлган муносабатда ҳам ўзгаришлар бўлишига эришиш керак. Бундай ўзгаришлар амалга ошириладиган ислохотларга дахлдорлик туйғусининг ортиб бориши, хусусий бизнес, тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан бевосита шугулланаётганлар сафининг кенгайиши, халқ орасида бу соҳадаги жа-

бўлган ана шу дастурий ҳужжат бутун дунёда эътироф этилатганини алоҳида таъкидлаш лозим. Кези келганда гоёлар тарихида такрорланиб келадиган қуйидаги ҳақиқатни алоҳида қайд этиш зарур: ҳалигача дунёда ҳеч ким муайян гоёнинг муаллифчилиги уни яққол ва ёрқин тасаввур эта олмаган. Гарчанд кишилар мазкур гоёни англаб, ўз қалб ва онгларида сингдириб олсалар-да, аммо улар ҳам муаллиф сингари кўзланган мақсадни тўла-тўқис идрок эта олмасликлари

КЕЗИ КЕЛГАНДА ГОЯЛАР ТАРИХИДА ТАКРОРЛАНИБ КЕЛАЁТГАН ҚУЙИДАГИ ҲАҚИҚАТНИ АЛОҲИДА ҚАЙД ЭТИШ ЗАРУР: ҲАЛИГАЧА ДУНЁДА ҲЕЧ КИМ МУАЙЯН ГОЯНИНГ МУАЛЛИФИЧАЛИК УНИ ЯҚҚОЛ ВА ЁРҚИН ТАСАВВУР ЭТА ОЛМАГАН. ГАРЧАНД КИШИЛАР МАЗКУР ГОЯНИ АНГЛАБ, ЎЗ ҚАЛБ ВА ОНГЛАРИГА СИНГДИРИБ ОЛСАЛАР-ДА, АММО УЛАР ҲАМ МУАЛЛИФ СИНГАРИ КЎЗЛАНГАН МАҚСАДНИ ТЎЛА-ТЎҚИС ИДРОК ЭТА ОЛМАСЛИКЛАРИ МУМКИН. БУ НАФАҚАТ ОДДИЙ КИШИЛАР, БАЛКИ АЙНАН ШУ СОҲА БИЛАН МАШҒУЛ БЎЛГАН БАЪЗИ МУТАХАССИСЛАРГА ҲАМ ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ОДАТИЙ ҲОЛАТДИР. ШУНДАЙ ЭКАН, УЛКАН ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ВА ЖАМИЯТ УЧУН ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛГАН ГОЯЛАРНИ АВВАЛО ТУШУНИШ, СЎНГРА ЭСА ТУШУНТИРИШ ЗАРУРАТИ ДОИМО САҚЛАНИБ ҚОЛАВЕРАДИ.

са, бу борадаги пировард мақсадларга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ демократик тамойилларни жорий этиш, одамлар онгини тафаккур қўлтигидан озод қилиш, эркин тадбиркорликни ривожлантириш учун шароит яратиш бу борадаги истиснолар самарасини таъминлаб бермоқда.

Ўрта синф шаклланишининг сиёсий асослари ҳам бўлиб, истиқлол йилларида мамлакатимизда мазкур йўналишда ҳам изчил ислохотлар олиб борилди. Давлат бошқаруви демократлаштириш, эркин сайловлар тизими шаклланиши, кўппартиявийлик ва парламентаризм ривож бўлиши далолидир. Бу ҳаётнинг демократлашуви ва иқтисодий сиёсатнинг либераллашуви кенг йўл очиб берди. Айтиш мумкинки, соҳадаги ислохотлар натижасида бутунлай йўқотилган мулк шакллари яна қайта қад ростлаши учун имконият пайдо бўлди. Ана шуларнинг барчаси мамлакатимизда ўрта синф шаклланиши ва мулкдорлар қатлами роилини оширишнинг ижтимоий-сиёсий асосларини янада мустаҳкамлаш имконини берди.

Шу ўринда мулкдорлар қатлами, ўрта синфни шакллантиришнинг маънавий асослари билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз. Бу борада амалга оширилган ислохотлар, халқ маънавиятининг тозаланиши, асрлар давомида яратилган қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, келажакка етказиш билан боғлиқ сий-ҳаракатлар катта аҳамиятга эга бўлди, албатта.

Буларнинг барчаси мустақиллик шароитида тараққиёт моделининг тўғри танланиши ва уни босқичма-босқич ҳаётга жорий этилиши жамиятда ислохотларни самарали амалга ошириш, унинг тузилишини ривожланган мамлакатлар тақрибаси, миллий анъаналар асосида тубдан ўзгаришдек мураккаб вазиғани бажаришда қисқа муддатда ҳам самарали натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Албатта, ўрта синф сафларининг кенгайиши ва унинг ҳаётимиздаги ўрни мустаҳкамлашни фақатгина иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви билангина амалга олиб қолмайди. Бунда инсон омилли, жамият тафаккурининг янгилашши, менталитетнинг замонавийлашуви ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яъни бу борада ҳам давлат ва жамият

раёнларга нисбатан ижобий фикр ва қарашнинг кучайиши кабиларда яққол намоён бўлади.

Тўғри, бу жараён, яъни инсон модернизацияси бир кунда, ўз-ўзидан амалга олиб қоладиган оддий ва жўн ҳодиса эмас. Бу давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролик институтлари, айниқса, сиёсий партияларнинг фаол ҳаракатини тақозо этади. Айнан ана шу вазиғани бажариш зарурати бу соҳадаги ислохотлар тақдирини масъулиятни ўз зиммасига олган партиямиз учун айниқса муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзолари, жойлардаги депутатлик гуруҳлари, фаол сафдошларимизнинг масъулиятини янада ошириш лозимлигини аниқлади. Мазкур масалада Юртбошимизнинг 2003 йил 7 октябрда партия ташаббускор гуруҳи аъзолари билан учрашувда билдирилган фикрлар ўз долзарблигини сақлаб қолётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Очиги, ҳалигача биз бу борада партия зиммасидаги вазиғаларни бугунги кун талаблари даражасида адо этиш, дея олмаймиз. Шу муносабат билан Президентимиз Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган мажлисда партияимизнинг матбуот органи — “XXI asr” газетаси учун шior сифатида танланган, Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг “Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиб, азия қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқай кишилардан яхшидир”, деган фикрини яна бир бор алоҳида таъкидлаганлари бежиз эмас.

Концепцияда илгари сурилган гоё ва унда белгилаб берилган устувор вазиғаларнинг моҳияти ҳақида сўз бортанда, нафақат ўрта синфни шакллантириш, балки жамиятимиз ривожининг кейинги босқичи учун муҳим аҳамиятга молик

ри мумкин. Бу нафақат оддий кишилар, балки айнан шу соҳа билан машғул бўлган баъзи мутахассисларга ҳам тегишли бўлган одатий ҳолатдир. Шундай экан, улкан ижтимоий аҳамиятга молик ва жамият учун дастуриламал бўлган гоёларни аввало тушуниш, сўнгра эса тушултириш зарурати доимо сақланиб қолаверди.

Бу борада ўрта синфни шакллантириш бўйича Президентимиз томонидан яратилган назарий-методологик асосларга таянган ҳолда ушбу йўналишда рўй бераётган жараёнларни чуқур таҳлил қилиш ва баъзи ҳолларда учраётган муаммоларни зудлик билан ечишнинг самарали йўллари ҳамда усуллари билан фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Ўрта синф ва мулкдорлар қатламининг ҳаётдаги ўрни ва ислохотлар билан боғлиқ мақсад ҳамда вазиғаларни амалга оширишдаги аҳамияти, ушбу соҳани ривожлантириш бўйича хорик тажрибасини ўрганиш ва ундан ижодий фойдаланиш масалалари шу маънода ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мавзуга доир назария ва амалиётни қиёсий ўрганиш, ўрта синфни шакллантириш ва мулкдорлар қатламини ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал қилишда аънавийлик ва замонавийлик тамойилларига эътибор қаратган ҳолда бу синфнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрни, уни қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий асослари ва ташкилий механизмлари тўғрисида аниқ тасаввуримизни шакллантириш ҳам долзарб вазиғалардан биридир.

Бу вазиғани бажаришда маънавий-маърифий воситалар ҳамда тарғиботнинг таъсирчан усулларини қўллаш, мазкур йўналишдаги ишларни янада жалаллаштириш партияимиз фаолиятининг энг устувор йўналишига айланиши ҳар биримизга улкан масъулият юқайди.



2 Рақамли имзо қоғозбозликка барҳам беради

МУТАХАССИСЛАРНИНГ МАЪЛУМ ҚИЛИШЛАРИЧА, ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ИМЗОДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР СОНИ 150 МИНГДАН ОШАДИ. O'ZLiDeP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ЭЛЕКТРОН ИМЗОНИНГ ОММАЛАШУВИ, АЙНИҚСА, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ВАКТЛАРИНИ ТЕЖАШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ, ДЕМОҚДАЛАР

Ўз мухбиримиз

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган «Электрон рақамли имзо тўғрисида» ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»-ги қонун нормаларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги давра суҳбатига ҳам айнан ана шу масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Анжуманда электрон рақамли имзо қатламининг рўйхатга олиш марказларини рўйхатдан ўтказиш органи тузилгани, айни кунга келиб, уларнинг сони 8 тага етганига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада электрон имзодан фойдаланувчилар сони сезиларли даражада ошиб бормоқда. Агар 2010 йил бошида солиқ идораларига 30 мингта субъект электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ҳисоботлар топширган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 80 мингдан ошди.

— Депутатлар томонидан «Электрон рақамли имзо тўғрисида» ҳамда «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»-ги қонунларнинг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш бўйича доимий равишда тизимли фаолият олиб боришмоқда, — деди Ахборот ва коммуникация масалалари қўмитаси раиси Абдураҳим Жўрабоев. — Ўрганишлар электрон рақамли имзо технологияларини кенг қўллаш учун етарли ҳуқуқий асослар яратилганига қарамай, мазкур соҳадаги ўзгаришларни етарли, деб бўлмайди. Бунга амалдаги қонунларнинг айрим моддаларида камчиликларнинг мавжудлиги сабаб бўлмоқда. Шу билан ҳам амалдаги қонун ҳужжатларидаги нуқсонларни аниқлаб, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақдирини илгари сурашимиз.

Қўмитада фаолият кўрсатаётган О'зЛиДеР фракцияси аъзоларининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси амалдаги қонун ҳужжатларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан уйғунлаштириш, қонунчилик тамойилини ахборот-коммуникация технологиялари ривожла-

нишининг бугунги кун талаблари даражасига мувофиқлигини таъминлашни кўзда tutadi. О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Фахридин Солиевнинг таъкидлашича, ушбу лойиҳада электрон рақамли имзо қўлда ўзи қўйган имзо билан бир хил аҳамиятга эга эканлиги шартлари, соҳадаги махсус ваколатли органнинг вазиғалари ва унинг ваколатларини аниқлаштириш, электрон рақамли имзодан фойдаланиш усуллари ҳамда юридик шахснинг электрон имзоси мақомини белгилаш каби тушунчаларга аниқ таъриф берилмоқда.

Ингилиш иштирокчиларининг фикрича, бугунги глобаллашув жараёнларида электрон рақамли имзони оммавийлаштириш, юридик шахслардан молиявий ва солиқ ҳисоботларини электрон имзо асосида қабул қилиш тизимини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қoшидаги илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлар маркази директори ўринбосари Хислат Ҳасановнинг фикрича, жаҳон амалиётининг сермахсул тажрибаси ҳисобланган бундай усулдан фойдаланиш биринчи гада ахборот хавфсизлигини таъминласа, иккинчи навбатда тадбиркорлик субъектларини ортиқча қоғозбозликлардан халос этади. Гап шундаки, қонунчиликка тақлиф этилаётган ўзгаришлар шартномаларни электрон шаклда тузиш ва юридик шахслар ўртасидаги электрон ҳужжат айланишини оптималлаштириш ва, энг асосийси, имзони сохталлаштиришнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Анжуманда қонун лойиҳасининг амалда жорий этилиши иқтисодиётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланаётган ўрта синф — мулкдорлар қатламининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кенгроқ таъминлашга кўмак бериши алоҳида таъкидланди. Ана шу жиҳатдан ҳам уни Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш бугунги куннинг энг муҳим талабларидан биридир.

3 «Бухгалтерия ҳисоби»га ўзгариш киритилмоқда

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР ҚЎМИТАСИ ТОМОНIDAN «БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТЎҒРИСИДА»-ГИ ҚОНУННИНГ ЯНГИ ТАХРИРДАГИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кейинги йилларда юртимиз иқтисодиётининг жадалилик билан ўсиб бориши, унинг жаҳон молия-банк тизими билан узвий боғлиқлиги бир қатор қонунлар қатори 1996 йилда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»-ги қонунга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақозо эта бошлади. Маълумки, давр ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда янги тахрирдаги Солиқ кодекси кучга кирди, бюджет, банк, молия, сугурта ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга хизмат қилувчи янги қонунлар қабул қилинди.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»-ги қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Айни вақтда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари халқаро умумэтироф этилган нормаларга мослаштирилди. Хусусан, янги ҳисоблар режаси ишлаб чиқилиб, маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартибига оид қатор янги меъ-

ёрий ҳужжатлар қабул қилинди. — Қонунчиликка киритилган ана шундай ўзгаришлар мазкур қонунни амалиётга қўллаш жараёнида бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан мослаштириш талаб этмоқда, — деди Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Шавкат Тешаев. — Айни пайтда эса ҳўжалик юритувчи субъектлар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятини амалга оширишда маълум қийинчиликлар юзага келмоқда. Бундан ташқари, қонунда «бухгалтерия ҳисоби» тушунчасининг мавжуд эмаслиги, бухгалтерия ҳисоби функциясини бевосита амалга оширувчи масъул шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шунингдек, уларнинг касбий малакасига бўлган талаблар аниқ белгиланмагани ҳам қонунни бугунги кун руҳига мослаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Қўмитамиз аъзолари томонидан ишлаб чиқилган қонуннинг янги тахририда ана шундай камчиликларга барҳам бериш назарда тутилмоқда.

Давра суҳбатига мазкур лойиҳани Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш зарурлиги таъкидланди.

КЕЛГУСИ СОНДА:

АХБОРОТ СОҲАСИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида муҳасам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шартли, таъбир жоиз бўлса, тамал тоғи ҳисобланади.

Айнан ана шу сабабдан ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимизда сўз эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги, одамлар ўз мулоҳазаларини очик-ойдин ифода эта олишлари учун реал имкониятлар яратиш, бу йўлда ҳалакат бераётган барча тўсиқларни бартараф этиш, эндиликда эскирган, мутлақо яроқсиз, номақбул бўлиб қолган қарашлар ва бир хилдаги фикрлардан бутунлай воз кечишдан иборат биринчи навбатдаги вазиғаларни ҳал қилиш йўлидан борилди.

Босқичма-босқичлик тамойилининг амалий ифодаси

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ, ХАЛҚИМИЗ ДАСТУРХОНИ ТҶКНИЛИГИ ЙЎЛИДА АСТОЙДИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛАЁТГАН ИШБИЛАРМОН ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ БИР ҒАЙРАТИГА ЎН ҒАЙРАТ ҚЎШИБ ЮБОРГАНИГА БУГУН БАРЧАМИЗ ГУВОҲ БЎЛИБ ТУРИБМИЗ



Темур АБДУРАХМОНОВ

Қувонарлиси, улар сафига ҳадемай яна минглаб йигит-қизларимиз келиб қўшилидилар. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, бу йил 450 минг нафар талаба касб-хунар коллежларини тамомлайди. Уларнинг муайян қисми ўқиниб давом эттирса, қолганлари илк мартаба меҳнат фаолиятини бошлайди.

— Юртбошимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йиллари ва 2011 йилда мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисдаги маърузасида тизимимиз мутасаддиларидан ташқари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар, туман ва ша-

ҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар бир туман ва шаҳар бўйича коллежлар битирувчиларини ўз мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлаш масаласига жуда жиддий ёндашиш лозимлиги таъкидланди, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директорининг ўринбосари Зайниддин Худойбердиев. — Айни пайтда мавжуд 1394 та касб-хунар коллежида 1 млн. 514507 нафар талаба таълим олмоқда. Уларнинг 450 минг нафари битирувчилар экани тизимимиз ходимлари зиммасига катта масъулият юқлайди. Қувонарлиси, мажлисда таъкидланганидек, дастурда белгиланган 950 мингдан ортиқ янги иш ўринларининг асосий қисми

қишлоқ жойларда яратилади. Бу эса, ўз навбатида, ёш мутахассисларни иш билан таъминлашдан ташқари чекка ҳудудларимизда ободонлаштириш ишларини янада кучайтириш имконини ҳам беради. Шу маънода ҳукуматимизнинг ушбу саноат-иқтисодий янги иш ўринлари яратиш борасидаги улкан амалий қадам, дея баҳолаш мумкин.

Ушбу ҳолатда ҳақиқатан ҳам бошқа соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлардаги узвийлик ва босқичма-босқичлик тамойилининг яна бир ёрқин ифодасини кузатиш мумкин. Ўтган даврда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда жиҳозлаш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга мўлжалланган дастурларни амалга ошириш 2010 йилда якунига етказилди. Биргина Баркамол авлод йилининг ўзида ёш авлод тарбияси учун 8 трлн. сўм ва 165 млн. АҚШ доллари сарфлангани ҳам ёш авлод келажагига нечоғли улкан аҳамият берилаётганидан далолатдир. Навбатдаги муҳим вазифа эса ўрта бўғин кадрларини иш билан таъминлашдир. Энг муҳими, бу муҳим ишга барча

даражадаги идора ва ташкилотларнинг жалб этилганидир.

Масалан, 2011 йилда Марказий банк билан ҳамкорликда тижорат банклари томонидан 21,5 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар берилиши назарда тутилмоқда.

Айни пайтда марказ томонидан Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда касб-хунар коллежларини иш берувчи корхоналарга бириктириш, таълим жараёنларига тегишли идоралар ва ташкилотларнинг тажрибали мутахассисларини жалб этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, ҳисобот шакллари, бизнес-режа намуналарини соддалаштирилган ҳолда акс эттирувчи «Тадбиркор ён дастурчаси»ни тайёрлаш ва барча битирувчиларга тақдим этиш бўйича тезкор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ўрта синфни шакллантиришда ҳам Ўзбекистон ўзига хос ва ўзига мос ислохотлар йўлидан бормоқдаки, бу бугун ўз меъясини бермоқда.

ҚУЁШ ТАФТИ БИЛАН ИШЛАЙДИГАН ИССИҚХОНА

Шофиркон туманидаги «Ҳикмат Ҳасан» фермер ҳўжалигида 250 миллион сўмлик маблагъ эъзизига янги иссиқхона барпо этилди.

Аҳамиятли томони шундаки, хитойлик мутахассислар билан биргаликда қурилган мазкур мажмуа тўлиқлигига қўйшдан олинган қувват ҳисобидан иситилади. Бу эса фермерларга мавсум давомида қарийб 40 миллион сўм маблагни тежаш имконини бермоқда.

Ўз навбатида, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, иссиқхонанинг 15 кишилик жамоаси қиш мавсумида аҳоли дастурхонига 80 тоннадан зиёд полиз маҳсулотларини тортқч этишни режалаштирган.

Истеъмолчимисиз, ҳуқуқингизни ҳам билинг!

БУГУНГАЧА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН 170 ТАДАН ОРТИҚ ҚОНУН ҲУҲЖАТЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БЎЛИБ, БУ ЖАРАЁНДА НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ИДОРАЛАР БИЛАН БИРГА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ҲАМ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР

Наргиза КАҲҲОРОВА, «XXI asr» муҳбири

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясига бағишланган ўтказилган анжуманда ана шу фаолият атрофида муҳокама қилинди.

Аммо йиғилишда кўпчилик юртдошларимиз ўз ҳуқуқларини билмасликлари ёки била туриб мутасадди ташкилотларга мурожаат этмасликларига ҳам эътибор қаратилди. Ваҳоланки, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилинаёпти. Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва истеъмол маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат босқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳамда назорат қилувчи идоралар билан

бирга нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ана шундай нодавлат нотижорат ташкилотлардан бўлиб, мамлакатимизда унинг 14 та ҳудудий бирлашмаси, 196 та туман (шаҳар) жамиятлари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар ҳамда ўқув муассасаларида 9 мингга яқин таянч гуруҳлари иш олиб бормоқда. 2010 йилда мазкур ННТ томонидан турли йўналишларда 12033 та мониторинг-кузатув ўтказилиб, аҳолининг 7000 мингдан ортиқ аризалари ўрганилган. Ташкилот ижрочи директори Акмал Эргашевнинг таъкидлашича, аризаларнинг асосий қисми истеъмолчилар фойдасига ҳал этилган.

— Истеъмолчиларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базасини

яратиш мақсадида 170 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Бу истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди А.Эргашев. — Ўтказилган кузатувларимизнинг 32,8 фоизи савдо (бозорлар, маиший хизмат ва бошқалар), 9,9 фоизи соғлиқни сақлаш, 17 фоизи йодланган ош тузи, 13,8 фоизи коммунал хизматлар (газ, электр энергияси ва сув таъминоти), 4,7 фоизи ун, ўсимлик ёғи ва нон маҳсулотлари ҳамда 22,1 фоизи транспорт, алоқа ва бошқа соҳаларга оид бўлди. Ўрганишлар натижасида Тошкент шаҳридаги бир қатор уй-жой мулкдорлари ширкатларида, транспорт ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ҳамда «Шаҳар йўловчи транспорти тўғрисида»ги қонунлар талабларига

тўлиқ риоя қилинмаётгани ҳам аниқланди.

Шунингдек, йиғилишда истеъмол маданиятини ошириш, истеъмолчилар дунёқарашини кенгайтириш мақсадида жойларда «Чакана савдо қондалари», «Озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишда нималарни билиш керак?», «Истеъмолчилар ҳуқуқларига риоя қилиш — муваффақият омили» сингари мавзуларда маърузалар, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилаётгани таъкидланди. Масалан, ўтган йили жойлардаги ҳудудий бирлашмалар ҳамда туман (шаҳар) жамиятлари томонидан 3655 та маъруза, 1069 та ўқув-семинар, 4068 та давра суҳбати ташкил этилди. Жорий йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг интернет тармоғидаги сайти ишга туширилди.



«Мулоқот клуби»даги илк мулоқот

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, О'ZLIDER СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ҚОШИДА ТАДБИРКОРЛАР ВА ФЕРМЕРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ, УЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАҚСАДИДА «ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАР МУЛОҚОТИ КЛУБИ» ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Ўз муҳбиримиз

Ушбу лойиҳа доирасида ўтказилган илк тадбир Юртбошимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технология янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича амалий чора-тадбир қўриш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақидаги кўрсатмалари муҳокамасига бағишланди.

«Банк-молия муассасалари — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг барқарор таянчи» мавзусида ўтказилган ана шу мулоқотда О'ZLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, «Асакабанк» давлат-акциядорлик тижорат банки мутасаддилари, банкнинг вилот филиаллари масъул ходимлари, тадбиркорлар ва фермерлар иштирок этдилар.

Тадбир иштирокчиларининг фикрича, Ўзбекистон-

да истиқлол йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича зарур шарт-шароит яратилмоқда. Таъкидланганидек, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўзининг Сайловли дастурида молия ва банк тизими барқарорлигини кучайтиришга кўмаклашишни, бу борада зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқишини эълон қилган. О'ZLiDeP кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда тижорат банклари, бошқа молия институтлари фаолиятини изчил ривожлантириш орқали кредитлар билан таъминлаш, банкдан ташқари пул айланишини қисқартиришга интилади.

Ташкилотчиларнинг фикрига кўра, амалий мулоқотда «Асакабанк» ДАТБ вакилларининг тақдир этилиши бежиз эмас. Чунки мазкур молиявий институт кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаш жараёнида фаол иштирок этаётган банклардан бўлиб, ўтган 2010 йил-

дагина кичик бизнес субъектларига 294,1 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратди. Шунингдек, тадбиркор аёлларга ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш учун 22,4 млрд. сўм берди.

Қизгин фикр алмашинувлар ва мунозаралар руҳида ўтган тадбирда ҳудудлардан таширф буюрган тадбиркорлар, фермерлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Шунингдек, тадбир давомида республикамизнинг турли ҳудудларида «Асакабанк» ДАТБ молиявий кўмагида ўз бизнесини ташкил этган тадбиркорлар, фермерлар ўзларининг амалий тажриба ва фаолиятлари билан ўртоқлашдилар.

Тадбир иштирокчилари О'ZLiDeP ташаббуси билан ташкил этилаётган бундай мулоқотларни мунтазам равишда ўтказиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда, соҳадаги мавжуд муаммолар ечимини топишда ўзига хос амалий аҳамият касб этишини таъкидладилар.

КРЕДИТ ҲИСОБИГА ФАОЛИЯТИМИЗНИ КЕНГАЙТИРДИК

Мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, «Алоқабанк» оқиқ акциядорлик-тижорат банки ҳам миқозларга жаҳон андозлари даражасида хизмат кўрсатаёпти. Кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлар қўллаб-қувватланаётгани боис мазкур банкнинг истеъмол бозорини тўлдиршидаги ҳиссаи ортиб бормоқда.

Корхонамиз етти йилдан бери пойтахтимиз аҳолисига матбаа хизмати кўрсатиб келмоқда. Ўтган йили ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз турини кўпайтириш мақсадида янги жиҳозлар сотиб олишни қўллаб бизга молиявий хизмат кўрсатаётган «Алоқабанк»га мурожаат қилдик. Банк тақлифимизни ўрганиб, 500 миллион сўм кредит ажратди. Натижада фаолиятимизни кенгайтириб, маҳсулот тури ва соф фойда миқдорини кўпайтирдик. Масалан, 2009 йили корхонамизда 1 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили 200 миллион сўмга ошди.

Собиржон КАРИМОВ,
Тошкент шаҳридаги «Sano-Standart» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Газетамизнинг 2011 йил 13 январь сониди эълон қилинган ўрта қатлам вакиллари кизиқтираётган масалалар хусусида тегишли идора ва ташкилотлар мутасаддилари билан ўтказилаётган беvosита мулоқотлар муддати мазкур идоралар вакиллари илтимосига кўра бир ойга кечиктирилганини маълум қиламиз.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: (8371) 215-63-80, 281-40-17

Тахририят.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Мухаммадсўф ТЕШАБОВЕ, Абдурашид ЖҲАБОВЕ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯҚУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илхом НАСРИЕВ, Мухлиса АҚРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОҒИТОВ, Шухрат ОРИТОВ, Эркин ТОШЕВ, Қўям НАЗАРОВ.

ТАХРИРИЯТ: Озод РАҲАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Янгибой ҚҲҲОБОВ, Асхор ИСТАМОВ, Тоҳир МАЛИК, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ.

БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ

МАТН ТЕРУВЧИ: Нигора ЖҲАБОВА

БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17, Партия турмуши — 254-67-78, Парламент фаолияти — 255-43-57 Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар — 255-64-80, Иқтисодиёт, тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти — 255-68-50, Халқаро ҳаёт — 254-91-06, Ёшлар ва аёллар масалалари — 255-68-50, Реклама дирекцияси — 215-60-45, Факс: 215-63-80.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborot21asr@yahoo.com XXI_ASR@yahoo.com.

©XXI ASR-дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Навсий» кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: Я 993
Тираж: 17 307

Навбатчилар:
К.САЙДАЛИЕВ,
А.МУЗАФФАРОВ.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406



IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

**TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI —
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI**



«Spark»лар газда ишлайдиган бўлади

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «МАРКАЗИЙ» МЕХМОНХОНАСИДА «SPARK», «MATIZ» ВА «DAMAS» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ТОЗА ХАМДА АРЗОН ЁНИЛҒИ — МЕТАН ГАЗИ БИЛАН ИШЛАШНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАРНИНГ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Шухрат ХҲАЕВ

Таъкидлаш жоиз: Ўзбекистон экологик ҳаракати, Савдо-саноат палатаси, «Gazamir-Pro» масъулияти чекланган жамияти ташаббуси билан ташкил этилган тadbирга таширф буюрганлар Марказий Осиёда ўхшаши йўқ технологиялар асосида қайта жиҳозланган енгил машиналарни кўриш, мажмур мосламаларнинг атроф-

муҳитни муҳофаза қилишдаги фойдаси ҳақида батафсил маълумот олиш имкониятига эга бўлдилар.

Тadbирда Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Борий Алихонов «Gazamir-Pro» МЧЖ гоёғи муҳим лойиҳага бундан аввал ҳам қўл урганини таъкидлади.

— Ўтган йили ўшбу корхона томонидан Самарқанд заводида ишлаб чиқарилган автобуслар, дизель ёнилғисида ишлайдиган юк автомобиллари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникасига 70 фоиз метан гази ва 30 фоиз дизель ёнилғисида ишлайдиган газодизель мосламалари ўрнатилганди, — деди Б. Алихонов. —

Дастлабки кузатувлар ўшбу янгилик ёрдамида атроф-муҳитга чиқариладиган зарарли моддаларни тўрт баробар камайтириш, ўз навбатида дизель ёнилғисини 70 фоиз тежаш имкони берилганини кўрсатди. Бугунги тақдирот маросими эса Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги «Автотранспорт воситаларини босқичма-босқич газ билан ишлатишга ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросининг бажарилиши йўлидаги яна бир қадам бўлди.

Газ ёнилғиси билан ишлайдиган мосламалардан фойдаланишни мақсад қилган ҳаваскор ҳайдовчиларни унинг хавфсизлик даражаси ва нархи қизиқтириши табиий. Анжуман давомида ана шу масалалар ҳусусида батафсил маълумот берилди.

— Корхонамиз мутахассислари асосий эътиборни янги тизимнинг хавфсизлигини оширишга қаратишди, — деди «Gazamir-Pro» МЧЖ директори Амир Урисов. — Булар қаторига двигателъ учирилганида тизимга ёнилғининг ўтишини ёпадиган, ёнгин хавфсизлигини таъминловчи, яъни ҳарорат цельсий бўйича 109 даражага етганида газ босимини пасайтириб, газни махсус вентилацион каналлар орқали чиқариб юборадиган, газ чиқиши фавқулодда тезлашиб кетган пайтда ёнилғи таъминотини тўхта-тадиган мосламаларни кириштириш мумкин. Ускунанинг нархига келсак, сиқилган табиий газ тўлдирилган ҳолатда ўртача 250 километрлик масофани босиб ўтишга етатиган баллонни ўрнатиш ҳайдовчига тахминан 2 миллион сўмга тушади.

Тадбир давомида кейинги ўн йилда табиий газ билан ишлайдиган машиналар сонини дунё бўйича 12 маротаба ўсиб, айни пайтда 12 миллионга етгани, жаҳон автомобилсозлик бозорига ном қозongan «Ford», «Honda», «Toyota», «Renault», «FIAT», «TATA» каби йирик компаниялар ҳам газ мосламасини ўрнатилган автомобиллар ишлаб чиқаришга эътибор қаратаётгани таъкидланди.

ХДП ўз қарашларини ўзгартираётгани ростми?

МАЪЛУМКИ, 2008 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИДАН КУЧГА КИРГАН «ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ВА ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ХАМДА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН МАМЛАКАТ СИЁСИЙ МАЙДОНИДАГИ ПАРТИЯЛАРГА КЕНГ ВАКОЛАТЛАР БЕРИШ БАРОБАРИДА УЛАР ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ХАМ БИР НЕЧА БАРОБАРГА ОШИРДИ

Озод РАЖАБОВ

Зеро, ана шу муҳим ҳужжат туфайли партиялараро соғлом рақобат кучайиб, сиёсий кучларнинг ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳатти-ҳаракатларида кескин жонланиш юз берди.

Энг муҳими, ана шу қонун қабул қилинганидан кейин айрим сиёсий партиялар ўз мақсад-муддаолари ва электоратининг қайси қатлам вакиллари билан иборат эканига ҳам аниқлик киритиб олдилар. Бу, айниқса, 2009 йилда бўлиб ўтган сайловлар арафасида яққол кўзга ташланиб қолди. Электорат ва танланган ғоя масаласида турли туртишув ва кескин баҳс-мунозараларга киришган айрим партия фаоллари ҳатто шу йўл билан ҳам сайловчи эътиборини қозонишдан тап тормадилар. Лекин орадан кўп ўтмай тadbиркорликка, ҳусусий мулкнинг ривожланишига ўтай қўз билан қараган баъзи сиёсий кучларнинг, ниҳоят, ўз қарашларини умумманфаатга хизмат қилувчи мақсадларга қарата бошлаганлари кишини қувонтиради, албатта. Бунини ўзХДПнинг 2010 йил 28 декабрда бўлиб ўтган III пленумида янграган маърузада тилга олинган фикрлар ҳам тасдиқлаб турибди. Хусусан, ана шу маърузада: «Одамларни тadbиркорлик соҳасига жалб қилиш, нафақат уларнинг бандлигини, балки даромадларини ҳам оширади. Бу эса, табиийки, бюджетнинг ижтимоий пенсия ва нафақага йўналтириладиган қисмини камайтиришга олиб келади», дейилди.

Ҳақ гап. Ниҳоят, ХДП етакчилари ҳаёт ҳақиқатини, О'зЛиДеР илгари сураётган гоёғининг нечоғлик ҳаётийлигини тан олибдиларми, демак, бу партиянинг тўғри йўл танлай бошлаганини аниқлади, шекилли. Аммо маърузада бу масала сиёсий рақибларимизнинг устувор йўналишларига қараб, ку, деган юзаки фикрга бориб, унда амалий иштирок этиш заруратига шубҳа билан қарайпти, дейилди. Ҳа, чиндан ҳам ХДПнинг аксарият фаолларида белгиланган масалаларга шубҳа билан қараш ҳолатлари мавжудлиги бор гап. Бу ҳолат бугун ҳам давом этаётир. Хусусан, партия нашрида эълон қилинган «Адолат либералча фикрлашга ўтмоқда» номли мақолада таниқли журналист Сафар Остонов ХДП «кечаги сайлов олдида, ундан кейин ҳам ўзини сўл партия деб эълон қилганини айтган эдик», деб ёзди. «Адолат»да эълон қилинган бир

мақолага муносабат билдириш асосида ана О'зЛиДеРни ёмонотлиққа чиқаришга уринилган ўшбу мақола муаллифи наҳотки партиянинг бундан роппа-роса 1 йилу 2 ой аввалги VII қурултойида: «Партия 2005 йилда ишонч билан танлаган сиёсий позициясига содиқлигини тасдиқлайди ва мамлакат сиёсий кучларининг сўл қанот платформасини амалга оширишда давом этади», дея баёнот берганини унутган бўлса. Бўлиши мумкин. Чунки орадан, кўп бўлмаса-да, 1 йилдан зиёроқ вақт ўтди. Қандайдир баёнотлар унутилиб, сайловлардан кейинги фаолият ХДПнинг ўз қарашлари ва воқеаликка муносабатини ўзгартирган

гуси йил учун белгиланган мажмур устувор йўналиши партия пленумлари ва маҳаллий ташкилотлари йиғилишларида муҳокима қилинган асосий масалалардан бири бўлди.

...Шунинг учун позиция-мизни аниқ-равшан белгиланган олишмиз керак. ...Кичик бизнес ва ҳусусий тadbиркорликнинг жадал ривожланиши иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишнинг муҳим омилга айланимоқда. Кичик бизнес ва ҳусусий тadbиркорлиқни ривожлантириш партиямиз электоратини манфаати билан боғлиқ бир қанча ижтимоий масалаларнинг ҳал этилишини таъмин-

Кўрииб турибдики, ниҳоят, ХДП ўз электорати билан боғлиқ муаммоларни фақат ва фақат О'зЛиДеР электорати бўлган тadbиркор ва ишбилармонлар фаолиятини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш орқалигина ҳал этиш мумкинлигини, яъни бугун қайси гоё устувор эканини тушуниб етмоқда. Агар ХДПнинг ана шундай қарашлари бир кун келиб яна ўзгариб қолмаса, партияга ҳам, жамиятимизга ҳам кўпроқ наф келтирилган бўлур эди. Бу эътироф маъруза давомида янада соддароқ тилда такрорланади. Яъни, «...бизнинг сайловди дастуримизга киритилган учта муҳим устувор йўналишни жойларда амалга ошириш учун тadbиркорлиқнинг аниқ ҳаракатлари зарур».

бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Аммо бу биз учун унчалар муҳим эмас. Энг муҳими, ХДПнинг ниҳоят тўғри йўлни танлай бошлаганидир.

Кишини қувонтирадиган яна бир жиҳат шуки, ўша маърузада «фикр юртишда бир тахлитдаги эски андозаларни ўзгартирмоқ зарур»лигига алоҳида эътибор қаратилганидир. Фақат бир хавотир борки, орадан маълум бир муддат ўтгач, партия раҳбарияти ҳеч қачон бундай фикрни билдирмаган, деган гаплар ХДП матбуот органида яна пайдо бўлиб қолмаса бўлгани...

Шу ўринда ўқувчини яна бир савол ўйлантириши мумкин: айни шу кунларда ўз қарашларини ўзгартириш ХДПга нима учун керак бўлиб қолди? «Сўл»лар таърифини зўр бериб инкор қилишдан қўзланган асл мақсад нима?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгашининг III пленуми (2010 йил 28 декабрь) материалларидан бу саволларга қайсидир маънода жавоб топгандай бўламиз. Унда 2011 йилнинг юртимизда «Кичик бизнес ва ҳусусий тadbиркорлик йили» деб эълон қилинганга эътибор қаратилиб, «Ислохотлар стратегиясининг кел-

лайди», дейилди. Кўрииб турибдики, ниҳоят, ХДП ўз электорати билан боғлиқ муаммоларни фақат ва фақат О'зЛиДеР электорати бўлган тadbиркор ва ишбилармонлар фаолиятини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш орқалигина ҳал этиш мумкинлигини, яъни бугун қайси гоё устувор эканини тушуниб етмоқда. Агар ХДПнинг ана шундай қарашлари бир кун келиб яна ўзгариб қолмаса, ўшбу партия жамиятимизга кўпроқ наф келтирган бўлур эди. Бу эътироф маъруза давомида янада соддароқ тилда такрорланади. Яъни, «...бизнинг сайловди дастуримизга киритилган учта муҳим устувор йўналишни жойларда амалга ошириш учун тadbиркорлиқнинг аниқ ҳаракатлари зарур».

Биз эса ўтган сайловлар арафасида О'зЛиДеРнинг айнан ана шундай қарашларини танқид қилиб, обрў олишга интилиб келган партиянинг бундай эътирофи вақтинча эмаслигига ишонгимиз келади. Аммо «оқоқол» партия яна ўтмишдошларининг «...болаларча сўзлик касаллиги» хуружига чалинмасмикан, деган хавотир бу ишончининг мустаҳкамлигига изн бермайди...

ТАДБИРКОР УЧУН ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА


ЯКИНДА АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ НАШРИЁТИДА ЧОП ЭТИЛГАН «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ» («ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ») НОМЛИ КИТОБИ «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИДА ИШБИЛАРМОНЛАРИМИЗ УЧУН ЯХШИ СОВГА БЎЛДИ

З. МУСАБЕКОВ,

Тошкент автомобиль ва йўллар институти доценти

Тошкент автомобиль ва йўллар институти профессори М.Ихромов, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти профессори М. Мираҳмедов, доценти С.Досметов ҳамда Санкт-Петербург давлат инженерлик-иқтисодиёт университети профессори А.Асаул ҳаммуаллифлигидаги ўшбу дарслик қўлланма 5 бобдан иборат бўлиб, олий ўқув юртиларининг менежмент факультетлари талабаларига мўлжалланган. Ўшбу китобнинг бошқа дарсликлардан фарқи шундан иборатки, ундаги бобларда мамлакатимизда қабул қилинган кичик бизнес ва ҳусусий тadbиркорликка оид янги қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва бошқа зарур маълумотлар келтирилган.

Мажмур дарсликда, шунингдек, ҳудудларда тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш босқичлари, яъни кластер, технопарк, полислар, бизнес-инкубаторлар ва бошқалар атрофида ёритилган бўлиб, ўқувчи етарлича билими, малакасини оширишда муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари, илк бор тadbиркорлик фаолияти билан шугулланмоқчи бўлган ишбилармонлар учун жула фойдали ва зарур қўлланмалар.



«АГРОБАНК» ОТБ

«Fitch Ratings»

нуфузли халқаро рейтинг агентлиги

«Агробанк» очик акциядорлик-тижорат банкнинг узоқ ва қисқа муддатли кредитга лаёқатлилик рейтингларини «В» «Барқарор» даражада тасдиқлади.

Бизнесингиз ривожини сари барқарор ҳамкорни танланг!

ҚАДРЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Юртбошимиз томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва ҳусусий тadbиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «Агробанк» ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги илгор гоёларни, пухта бизнес-режали лойиҳаларни қулай шартларда молиявий қўллаб-қувватлашга тайёр!

«АГРОБАНК»НИНГ ИСТАЛГАН ШАҲАР ВА ТУМАН ФИЛИАЛЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИБ, БИЗНЕСДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШИНГ.

Сиз «Агробанк»нинг марказий аппаратида мавжуд қуйидаги «Ишонч телефонлари»га ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга тоаллуқли масалалар бўйича муурожаат қилиш имконига эгасиз.

Кичик бизнес субъектларини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси: 150-53-58

Банкнинг инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бошқармаси: 150-85-23

Саноат ва истеъмол бозорини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси: 150-53-93

Қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси: 150-85-18

«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанлик гоёларининг молиявий таянчи!

«Амирбанк»: Асосий эътибор — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЭНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ, ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН МАЗКУР СОҲАНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-қувватланиши туфайли мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос замонавий банк тизими шаклланди. САМАРҚАНДДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН «АМИРБАНК» ҲАМ АНА ШУНДАЙ ТАЛАБЛАР АСОСИДА ИШ ЮРИТАЁТГАН МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДАН БИРИДИР

Акбар МУЗАФФАРОВ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида эса «Амирбанк» ўз олдига тадбиркорлик учун кўрсатилаётган хизмат турларини янада кенгайтиришни мақсад қилиб қўйди. Банк мутасаддиларининг таъкидлашларича, ўрта қатлам вакилларига жами 12 млрд. 600 млн. сўм ажратиш кўзда тутилмоқда.

2010 йилда ҳам банк-кредит маблағларининг асосий қисmini кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сервис соҳасини қўллаб-қувватлашга йўналтириб, 7 млрд. 156 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратган эди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёшларни қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишда ҳам банкнинг молиявий кўмаги муҳим аҳамият касб этди. Биргина паррандачиликни ривожлантириш учун «NAVOBOD NASLLI PARRANDA» фермер хўжалигига 400 млн. сўм миқдорда маблағ ажратилгани натижасида 16 нафар йигит-қиз доимий иш жойига эга бўлди. Шунингдек, Самарқанд шаҳрида автосервис мажмуаси қурилиши учун «AZIYA GRAND YUG» масъулияти чекланган жамиятига 400 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Натижада 15 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, яқка тартибдаги тадбиркорликни молиялаштиришга 4 млрд. 77 млн. сўм миқдордаги кредит маблағи сарфланди.

Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси бўйича 2010 йилда 1 млрд. 799 млн. сўм миқдорда кредит йўналтирилди. Масалан, «MARVEL JUISE Yangi Qo'rg'on» корхонасига 1 млрд. сўм ажратилиб, мевали шарбат ишлаб чиқариш учун замонавий ускуна сотиб олинди. Шунингдек, «Samarkand Sheben» масъулияти чекланган жамиятига 500 млн. сўм миқдорда кредит ажратилиши натижасида корхона шағал ишлаб чиқариш ускунасини харид қилди. Бугунги кунда корхона автомобиль йўларини қуриш ҳамда капитал таъмирлашда ишлатиладиган асфальт-бетонни тайёрлаш учун шағални кенг ҳажмларда ишлаб чиқариб, ўзининг рақобатбардош маҳсулотларини маҳаллий бозорларга чиқармоқда.

Бир сўз билан айтганда, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда «Амирбанк» томонидан истеъмол ва



ипотека кредитлари ажратиш бўйича изчил ишлар олиб борилаётир. Ўтган йили ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 131,76 млн. сўм кредит ажратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 160 млн. сўмга етказиш мўлжалланмоқда.

2010 йилда банк-кредит ресурсларининг маълум қисми инвестиция фаолиятини кенгайтириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларидаги лойиҳаларни молиялашга сарфланганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Мисол учун: 2010 йилда жами 3 млрд. 570 млн. сўмлик инвестицион кредитлар ажратилган бўлса, бу йил тармоққа 4 млрд. 820 млн. сўм сарфланиши белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, «АМИРБАНК» жамоаси 2011 йилда ҳам миқозлар эҳтиёжи учун қулай ва сифатли бўлган хизмат турларини кўпайтириш, чакана хизматларни ривожлантириш, пул айланишини мустақамлаш, энг асосийси, иқтисодий фаолият субъектларини замонавий ва сифатли банк хизматлари тизими билан таъминлаш, миқозларга хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари даражасига кўтаришдек улурвор вазифаларни амалга оширади.

ОТКРЫТЫЙ АКЦИОНЕРНО-КОММЕРЧЕСКИЙ БАНК «УЗПРОМСТРОЙБАНК»

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРС НА ЗАКУПКУ
ПЛАСТИКОВЫХ КАРТОЧЕК VISA нижеследующих видов:

· VISA Electron — 20000 штук

· VISA Classic — 30000 штук

ТАБЛИЦА ТЕХНИЧЕСКИХ ТРЕБОВАНИЙ НА ПРИОБРЕТЕНИЕ ПЛАСТИКОВЫХ КАРТОЧЕК:

№	Наименование товара	Требования к характеристике
1.	Пластиковые карточки с Пин-конвертами: Карточки с утвержденным дизайном «Узпромстройбанка»: - Visa Electron - Visa Classic	Сертифицированный платежными системами Visa и Master Card; Поддержка дополнительных неплатежных приложений; Поддержка SDA и DDA; Поддержка Issuer script хоста; 1. Compliance ISO 7816, EMV 2000 version 4.0, Java CardTM 2.2, Global Platform 2.1.1; 2. ROMed applications VSDC 2.7.1. 3. Supported features DES & 3DES, RSA, OBKG, SHA1 & MD5

Подробную информацию по конкурсу Вы можете получить по следующему адресу: г.Ташкент, ул. Шахрисабзская 3. Тел: 120-45-56, 120-45-03. Факс: 120-45-60. Внутренний номер: 32-23, 30-63.

Коммерческие предложения с указанными ценами, сроками поставки и гарантийных сроков должны быть в конверте, запечатанном печатью поставщика. Коммерческие предложения принимаются до 7 февраля 2011 года.

Хизмат кафолатланган



XALQ BANKI

МАМЛАКАТДАГИ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНК ВА МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИГА БЎЛГАН ИШОНЧИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚДИР. ШУ БОИС ЮРТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА МОЛИЯВИЙ СОҲАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, БАНК ХИЗМАТЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Шахзод НАЗАРОВ, «XXI asr» мухбири

Давлат-тижорат Халқ банки Қашқадарё вилоят филиалларида ўтган йил мобайнида бу йўналишда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Филиалга қарашли банк бўлимида миллий валютада омонатга қўйилган маблағлар миқдори кейинги 2 йилда 6,1 миллиард сўмдан 16,1 миллиард сўмга ортди. Ўз навбатида омонатчилар сони ҳам 354 минг 266 нафарга кўпайди. Хорижий валютада ўз маблағларини банк филиалларида сақлаётган омонатчилар сони эса 2009 йилдан буён ўтган даврда 1,5 баробар кўпайди. Шунинг ўзи ҳам ҳудудда аҳолининг банкка бўлган ишончи кун сайин ортиб бораётганидан далолат.

КРЕДИТ ҲИСОБИГА ЯНГИ ИШ ҲИСОБИ

Давлатимиз раҳбарининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Маҳаллий нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини

рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар жойларда кўплаб янги иш ўринларининг яратилишига ҳам замин ҳозирламоқда.

— Чироқчи вилоятда ҳудуди жиҳатдан салмоқли ўринни эгаллайдиган туманлардан бири саналади, — дейди «Шарбат» хусусий савдо-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Шоймардон Хўжақулов. — Шу боисдан туманимиз аҳолисини, аynиқса, ёшларни иш билан таъминлашнинг асосий мақсадларидан бири деб биламан. Фаолиятимизнинг ривожланишида эса, авваламбор, Халқ банкининг молиявий кўмаги катта туртки бўлди. Яқинда чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқариш технологиясини олиб келиш мақсадида кредит олиш учун Халқ банкига мурожаат қилдим.

Банк ходимлари бизнес-режамни кўриб чиқиб, тез фурсатда 99 млн. 131 минг сўм миқдорда молиявий кўмак бердилар. Ҳозир бу

ерда ишлаб чиқарилаётган турли хилдаги сифатли чанқовбосди ичимликлар билан вилоятимиз аҳолисини таъминламоқдамиз. Натижада 20 га яқин йигит-қизлар учун янги иш ўринлари яратилди.

Халқ банки бундай тадбиркорларга молиявий кўмак бериб, уларни қўллаб-қувватлаш борасида манфаатли ҳамкор бўлмоқда. Хусусан, «САС УНИВЕРСАЛ» хусусий корхонасига ажратилган 200 миллион сўмлик кредит ҳисобига маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси ташкил этилиб, 25 нафар ёшлар иш билан таъминланди.

ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАНГА НИМА ЕТСИН

— дейди гурурланиб Шаҳрисабз шаҳридаги «Асл мебель сервис» фирмаси раҳбари Абдуғани Файзиев.

Замонавий мебель ишлаб чиқаришни ривожлантириш ниятида Халқ банкдан 50 миллион сўм миқдорда кредит олдим. Ушбу маблағга янги мебель ишлаб чиқариш ускунасини харид қилдик. Шунингдек, Халқ банкининг

Бешкент филиали хизмат кўрсатаётган «Хақберди ота» хусусий фирмаси, «Шарофиддин Нурилло» хусусий корхонаси, «Бешкент автотехсервис» масъулияти чекланган жамиятида банк кредити ҳисобига маиший хизмат, йўловчи ташиниш ҳамда сервис хизмати ривожлантириш учун жами 400 миллион сўмлик кредит ажратилиб, 30 га яқин янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ўтган 2010 йил давомида банкнинг вилоят филиаллари томонидан ажратилган кредитлар 18 миллиард 621 миллион сўмни ташкил этди. Натижада 2100 дан ортиқ қўшимча иш ўрни яратилди.

Кредит қўйилмаларининг қолдиги ўтган йил мобайнида 34 миллиард 510 миллион сўмни ташкил этиб, 2010 йил бошидагига нисбатан 1,5 баробар ошди.

Бир сўз билан айтганда, Халқ банки жамоаси аҳоли ва миқозларга сифатли банк хизматларини кўрсатиш борасида замон талаблари даражасида фаолиятни йўлга қўйиб, банк нуфузини ошириш учун тинмай изланмоқда.



Ишлаб чиқарувчи олибсотар эмас

САЛОМАТ КОМИЛОВА РАҲБАРЛИК ҚИЛАЁТГАН «ҚАРШИМЕБЕЛЬ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ 2010 ЙИЛДА 675 МЛН. СЎМЛИК МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРДИ. КЎРИЛГАН ФОЙДА КОРХОНАНИ ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШГА САРФЛАНАЁТГАНИ БОИС ЎТГАН ЙИЛЛАРДА МАҲСУЛОТ ТУРИ 70 ТАГА ЕТКАЗИЛДИ

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири

Ўз фаолиятини 1993 йилда бошлаган мазкур корхонада дастлаб 9 киши меҳнат қилган бўлса, бугунги кунга келиб 37 киши иш билан таъминланган. 2005 йилдан маҳаллий хом ашё саналган ёнғоқ ва чинордан қаттиқ ва юмшоқ мебеллар, ўқув ва мактабга чата тарбия муассасалари учун стол-стулар, офис мебели ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Қаршимебель» жамоаси 2005 йилда Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган тендерда ғолиб чиқиб, Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармасига 221 млн. сўмлик мактаб жиҳозлари етказиб берди. 2006 йилда «Таъмирлаш-механика корхонаси»нинг пайвандлаш цехини сотиб олган корхона меҳнат учун металл каркаслар, металл дарвоза, панжара, сейф каби халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқара бошлади.

Анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг вилоят ва Қарши шаҳар босқичларида «Энг самарали лойиҳа», «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг интизомли солиқ тўловчи», «Энг яхши тадбиркор» йўналишлари бўйича ғолиб бўлиб келаётган жамият маҳсулотлари сифатлилиги ва арзонлиги боис ҳам хариддориги саналмоқда. Корхонада ИСО 9001:2008 сифат менежменти тизимини жорий этиш ишла-

ри якунига етаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу эса яқин келажакда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлиги жаҳон стандартлари даражасига етказилади, деганидир.

Саломат Комилова тадбиркор сифатида аҳоли ўртасида партиямизнинг дастурий мақсадларини ҳам кенг тарғиб қилмоқда. O'zLiDeP фаоли вилоятда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорликка йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш борасидаги хизматлари билан ҳам кўпчиликка ўрнак бўлапти.

— Мен тадбиркор деганда яратувчи инсонни тасаввур қиламан, — дейди Саломат Комилова. — Ишлаб чиқарувчини олибсотардан фарқлаш керак. Бозорларимизда меҳнат ишлаб чиқариш технологиясидан беҳабар кишилар томонидан тайёрланаётган сифатсиз маҳсулотлар кўпайиб кетаяпти. Биз истеъмолчиларга сифатли маҳсулотларимизни арзон баҳоларда етказиб бериш мақсадида Қарши шаҳрида «Мебеллар уйи» савдо бўлиб келаётган жамият маҳсулотлари сифатлилиги ва арзонлиги боис ҳам хариддориги саналмоқда. Корхонада ИСО 9001:2008 сифат менежменти тизимини жорий этиш ишла-

«Нафис»нинг нафислиги қайта тикланди

МАМЛАКАТИМИЗДА БАНКРОТ КОРХОНАЛАРНИ МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТИЗИМЛИ ИШЛАР БУГУН ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА. БУ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ТИКЛАНИБ, ТўЛА ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАШГА ЗАМИН ТУҒДИРМОҚДА

Мухаббат РАВШАНОВА, «XXI asr» мухбири

Чинни буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Нафис» очиқ акциядорлик жамияти бир неча йиллардан буён банкротлик ҳолатидаги корхоналар қаторида эди. Эндиликда унинг фаолияти бутунлай янгиланмоқда. Бундан икки йил олдин корхона 2 йил мобайнида инвестиция киритиш йўли билан ОАТ «Алоқа-банк»нинг балансига ўтказилди.

— Албатта, бундай йирик корхоналарни соғломлаштириш иқтисодиётда ижобий ютуқларга эришиш имкониятини яратди, — дейди «Асл Нафис» МЧЖ директори Фуқат Нарзуллаев. — Биз, аввало, корхонани замонавий технологиялар билан қайта жиҳозлаш, реконструкция ва модернизация ишларини амалга ошириш, хом ашёнинг сифат таркибини аниқлаш баробарида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга киришдик. Шу мақсадда молия муассасаси ходимлари ва завод мутахассислари билан бирга етакчи чинни заводлари тажрибасини ўрганиш учун Франция ва Хитой давлатларида хизмат сафари уюштирилди. Жумладан, 2009 йилда Франциянинг Лимож шаҳрида жойлашган Societe CERINNOV Ceramick innovation компаниясида бўлдик. Сафар давомида Францияда чинни буюмлар тайёрловчи йирик корхоналардаги технологик жараёнларни кузатиб, тайёр маҳсулот сифатини ўргандик. Ва, натижа, ма-



ҳаллий хом ашёни ушбу давлатдан келтирилган технология асосида қайта ишлашга, юқори сифатли чинни олишга эришдик.

Ҳозирда тўлиқ таъмирдан чиқарилган корхонада янги ускуналарни ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Жорий йилнинг март ойидан маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштири-лаётган «Асл Нафис»да чинни буюмлар билан бирга деворбоп маҳсулотлар тайёрлаш ҳам кўзда тутилмоқда.

Сўнги ойлarda
Греция, Италия,
Исландия,
Португалия ва
Испаниядаги
мураккаб вазият
юзасидан
билдирилаётган
хавотирлар
оқибатида евро
курси долларга
нисбатан 10
фоиз арзонлади.
Таҳлилчиларнинг
фикрича,
евронинг
долларга
нисбатан бундай
арзонлашуви
ниҳоясига
етгани йўқ ва бу
жараёнинг ҳали
давом этиши
кутилмоқда.



1 Инқироз ҳали чекингани йўқ

ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ, КУЗАТУВЧИ ВА ШАРҲЛОВЧИЛАР ҚУЁН ЙИЛИДА ХАЛҚАРО МАЙДОНДА СОДИР БЎЛИШИ КУТИЛАЁТГАН ЭНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРНИ БАШОРАТ ҚИЛИШДА ДАВОМ ЭТМОҚДАЛАР. УЛАРДА АСОСАН 2011 ЙИЛДА ДУНЁ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАНАЗЗУЛДАН ЧИҚИШИ, АФҒОНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТ ИЖОБИЙ ТОМОНГА ЎЗГАРИШИ МУМКИНЛИГИ, ЯДРОВИЙ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТИБ, БИР ҚАТОР ҚАЙНОҚ НУҚТАЛАРДА ТИНЧЛИК ЎРНАТИЛИШИГА ОИД ФАРАЗЛАР ТИЛГА ОЛИНМОҚДА

Фйзулла АБДУЛБОКИЕВ

2011 йилги муҳим халқаро воқеаларга оид башоратларнинг биринчиси, шубҳасиз, нафақат Марказий Осиё, балки бутун жаҳон хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солаётган Афғонистондаги вазиятга тааллуқлидир. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Европа Иттифоқи ва НАТОнинг маъмурий қароргоҳи жойлашган Брюсселга ташрифи ҳам экспертларнинг нигоҳини яна минтақа тинчлиги ва хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларга қаратишга мажбур этди. Зеро, ҳар қандай давлат ёки минтақанинг мулофаа қобилиятини, ҳарбий хавфсизлигини мустақамлашда ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий соҳаларнинг роли беаҳдир. Юртбошимизнинг Европа Иттифоқи ва НАТО раҳбарлари билан учрашувида айнан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, Афғонистонда барқарорликка эришиш учун ҳамкорликни мустақамлаш йўналишларида алоҳида эътибор берилдики, бу ҳам бўлса, умумий мақсадларга ҳамфикр давлатларнинг биргаликдаги саяё-ҳаракатлари, уларнинг имкониятларини бирлаштириш билан таъминланиши мумкинлигини исботлади.

Таъкидлаш лозим: аксарият кузатувчилар Афғонистонда тинчлик ўрнатиш буйича Ўзбекистон Президентининг БМТ ҳомийлигида «6+3» гуруҳини ташкил этиш ташаббусини бот-бот эслаб, мазкур ташаббусни амалга ошириш ҳамда Афғонистон билан chegarалош мамлакатларни бунга жалб қилиш орқали мазкур мамлакат ичида ҳам, унинг атрофида ҳам ҳамжиҳатликка эришиш мумкинлигини эътироф этмоқдалар.

2010 йил таҳлили аёнлари на Афғонистон, на Покистон ва на Америка алоҳида ҳолда диний экстремизм, фундаментализм ва халқаро террорчиликка қарши кураша олмаслигини ҳам исботлаганини таъкидлаш жоиз. Қолаверса, ўтган йил АҚШ ва унинг иттифоқчилари учун афгон можаросидаги энг йирик талафотлар даври бўлди, десак, хато бўлмайди.

Агар 2009 йилда халқаро коалиция 495 нафар аскардан айрилган бўлса, 2010 йили бу рақам 700 га яқинлашди. Айни пайтда афгонлар мавжуд бекарорликка қарамай, ижтимоий аҳвол ўнглаётганини эътироф этмоқдалар. Айниқса, электр энергияси мавжудлиги, тиббий хизмат кўрсатилаётгани ва янги иш ўринлари яратилаётганини халқ тан оляпти. Қувонарлиқ, ижтимоий инфратузилмани тиклашда, кўприклар қуриш ва мамлакатни электр энергияси билан таъмин-

лашда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни борлигини бутун афгон халқи миннатдорлик билан эътироф этаётганини кузатиш мумкин.

Экспертларнинг фикрича, барқарор Покистонсиз Афғонистон келажagini тасаввур этиб бўлмайди. Чунки Афғонистондаги толиблар ҳаракати айнан Покистонда уя қуриб олган газандлар тўдаларидан озуқа олаётгани ҳеч кимга сир эмас. Тан олиш керак: президент Осиф Али Зардорий бошчилигидаги расмий Исламободнинг мамлакатда террорчиликка қарши кураши у қалар муваффақият келтирмапти. Толибоннинг қаршиликни давом эттириб, Покистоннинг бир қатор шаҳарларида амалга оширган террорчилик ва қуроли ҳужумлари барқарорлик ҳақида гапириш имконини бермаптир. Шу боис бутун аксарият сиёсатдонлар Ўзбекистоннинг тинчликка фақат ижтимоий аҳволни ўнглаш орқали эришиш мумкинлиги борасидаги макеини қўллаб-қувватламоқдалар.

Дунё иқтисодиётини молиявий бўҳрондан қутқаришга қаратилган уринишлар ҳам йилнинг энг муҳим воқеаларидан бири сифатида тилга олинапти. Таъкидлаш жоиз: 2010 йил ҳам дунёнинг етакчи давлатларида бир неча ўйилликлар ичидаги энг кескин деб айтилаётган молиявий бўҳрон давом этаётгани ва унинг салбий оқибатларини камайтириш учун ҳукуматлар мисли кўрилмаган чоралар кўриши билан бошланди. Натижада йил охирига келиб аксарият мамлакатлар иқтисодиётида ўсиш кўзга ташлана бошлади. Айнан ана шундай бир пайтда «Дунё иқтисодиёти таназзулдан чиқадими? АҚШ долларининг келажиги қандай?» деган саволлар яна кўпчиликни қизиқтира бошлади.

Ақсар иқтисодчи мутахассисларнинг фикрича, дунё иқтисодиёти ҳозир аста-секин таназзулдан чиқа бошлаган. Халқаро саҳнада, жадал бўлмаса-да, ҳарҳолда иқтисодий ўсиш тенденцияси кузатилапти. Маълумки, ўтган йили АҚШ долларидан ташқари бошқа валюталардан ҳам халқаро заҳира сифатида фойдаланиш кераклиги ҳақида чақириқлар пайдо бўлган эди. Аммо дунё давлатлари АҚШ долларидан заҳира пул сифатида фойдаланишдан бутунлай воз кечмадилар. Зеро, одамлар олди-сотди ишларида доллардан асосий валюта сифатида фойдаланишга одатланиб қолганлар. АҚШда иқтисодий бўҳрон кўпчилик кутганидан кўра саясат ва қисқароқ бўлди, дейиш ҳам мумкин. Бу эса Обаманинг иқтисодиётни тиклашга қаратилган лойиҳаси ўз самарасини берди, дейишга имкон тулдирди. 2010 йили 10 фоиздан ошиб кетган ишсизлик қўламини

пайсатириш, йирик корхоналарни сақлаб қолиш, иқтисодиётни жонлантиришга қаратилган уринишлар самара бераётган бўлса-да, америкаликларнинг 70 фоизи мамлакат иқтисодиёти таназзулдан чиқа бошлаганининг аломати кўзга ташланмади, деган фикрдалар.

Бир қатор нуфузли нашрлар таҳлилчиларининг башоратлари эса АҚШнинг халқаро майдондаги асосий рақиби саналмиш Хитой учун анча мақбул кўринади. Чунки ўз сармоёси билан дунёнинг аксарият минтақаларида таъсир доираси кенгайиб бораётган Чин юрти ташқи бозорларда Вашингтонга бемалол рақобат кўрсатапти.

Аммо шу ўринда бутун Европа Иттифоқида молиявий инқирознинг тақдорланиши эҳтимоли юзасидан хавотирлар кучайганини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Айрим доираларда давлат дефолти эҳтимоли тўғрисида гап-сўзлар кўпайиши вазият тобора боши берк кўчага кириб қолаётганидан ҳам далолат берапти. Citigroup иқтисодчиси Виллем Бюйтернинг сўзларига қараганда, ЕИнинг ҳозирги ҳудудидан 1948 йилдан бундан илк бор дефолт юз бериши эҳтимоли яқинлашиб келяпти.

Сунги ойлarda Греция, Италия, Исландия, Португалия ва Испаниядаги мураккаб вазият юзасидан билдирилаётган хавотирлар оқибатида эса евро курси долларга нисбатан 10 фоиз арзонлади. Таҳлилчиларнинг фикрича, евронинг долларга нисбатан бундай арзонлашуви ниҳоясига етгани йўқ ва бу жараёнинг ҳали давом этиши кутилмоқда. Агар ҳолат ижобий томонга ўзгармаса, евронинг умумий валюта сифатидаги умри тугаши ҳам мумкин.

2011 йили Бразилия жаҳоннинг янги Хитойига айланади, қабилидаги башоратлар пайдо бўла бошлаганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бразилия иқтисодиётига катта сармоя киритишга талабгорлар сафининг ошгани ҳам унинг Хитой ва Хиндистон каби иқтисодиёти кучайиб бораётган давлатлар орасида пайдо бўлишидан далолат берапти. Хиндистоннинг бекарор қўшнилари унинг оёига болта уради, Хитойни эса иқтисодий таназзул чўктиради, бунинг оқибатида эса 2011 йили Бразилия дунё иқтисодиётининг етакчи ўйинчисига айланади, дейиладди халқаро таҳлилчилар башоратида.

Техрон режими, хусусан, президент Махмуд Ахмадинажднинг мамлакат ядровий дастурига доир музокараларда мулоқот ва мurosага майл кўрсатмаслиги боис 2011 йили Эронга қарши халқаро санкциялар қўлланилиши ҳақидаги ху-

лосалар ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Ана шундай ҳолат юз берса, эронликлар ўзлари учун асосий истеъмол молларини қора бозордан сотиб олишга мажбур бўладилар. Натижада ҳукуматга қарши норозилик намоишлари қўламини кенгайтириш мумкин. БМТ Хавфсизлик Кенгазининг беш доимий ва бир нодоимий аъзолари Туркияда учрашиб, Техроннинг ядровий дастурига оид масалаларни муҳокама қилишга тайёргарлик кўраётганлари ҳам Қуён йили Эрон учун унчалар осон кечмаслигидан далолат берапти.

Яқин Шарқ минтақасидаги вазият ҳақида гап кетганда, Исроилнинг Фаластин мухторияти ўз ҳудуди деб талаб қилаётган ҳудудларда яҳудийлар турар жойлар қуриш режасидан воз кечмаётганини, Ливанда «Ҳизбуллоҳ» диний-сиёсий ҳаракатининг коалицион ҳукуматдан чиқиши ҳудуддаги шундоқ ҳам тараф вазиятни издан чиқариб юбараётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу, бир томондан, Исроил-Фаластин тинчлик музокараларининг барбод бўлишига, иккинчи томондан эса Ливанининг фуқаролар уруши ёқасига келиб қолиш хавфини кучайтирди.

Албатта, 2010 йил ниҳоясидagi воқеалар таҳлил қилинганда, Пхеньян ва Сеул ўртасидаги кескинлашган муносабатни тилга олмаслик мумкин эмас. Шу ўринда АҚШ билан бевосита мулоқотлар бошлашга ишора қилаётган Шимолий Корея раҳбариятининг гоҳ-гоҳида қитмириликка қўл уратгани қўшни-сининг жингига тегмай қўймапти. Бундан қўзланган асосий мақсад албатта уруш бошлаш эмас, балки шу йўл билан муайян имтиёزلарга эга бўлиш экани тобора аёнлашмаяпти.

Бунинг исботи ўлароқ Шимолий Корея АҚШни тинчлик музокараларини қайта бошлашга қақириб, мамлакат ядровий дастури юзасидан ўтказилган олти томонлама сўзлашуларга қайтиш борасида ўз талабларини илгари сурмоқда. Пхеньянга нисбатан жорий қилинган санкцияларнинг бекор этилиши, 1950-1953 йилги урушдан сўнг эришилган вақтинчалик ўт очишни тўхлатиш келишуви ўрнини боса оладиган тинчлик шартномаси имзоланиши кераклиги ана шундай талаблар сирасига кириди. Айни пайтда расмий Вашингтон Шимолий Корея ўз ядровий дастуридан воз кечган тақдирдагина бевосита сўзлашулар бошлашга тайёрглигини билдирмоқда.

Хуллас, илгари сурилаётган фарзлару тахминлардан жорий йилнинг халқаро муносабатлар учун анча қизғин кечилишини тасаввур қилиш қийин эмас.

ВОҚЕЛАР,

ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

2 Табиий офатлар 110 млрд. АҚШ долларига тушди

Мутахассисларнинг фикрича, 2010 йилда биргина табиий офатдан дунё ҳамжамияти 110 млрд. доллар зарар кўрди. Йил давомида жами 370 тадан ортиқ табиий офат рўй бериши кузатилган.



Умуман, зилзилалар, бўронлар, сув тошқинлари 300 минг кишининг ёстигини қуритгани маълум бўлди. Қарийб 210 миллиондан ортиқ аҳоли талафот кўрган. Бу ҳақда БМТ ҳалокатлар хатарини камайтириш буйича халқаро стратегиясининг муассасалараро котибияти хабар қилди.

Мисол учун: Гаитидаги кучли зилзила оқибатида 222500 киши ҳаётдан кўз юмди. Ёзги ёмғир, жазирама ва ўрмон ёнғинлари натижасида Россияда тахминан 56 минг киши ҳалок бўлди.

Давлатларни табиий офатларга тайёрлаш масаласида танлаш мумкин эмас, деб таъкидлади

ҳалокатлар хатарини камайтириш масаласи буйича бош котибнинг ёрдмчиси Маргарета Вилстрем. У, шунингдек, барча мамлакатлар, албатта, табиий офатлар рўй бериши натижасида бўладиган ҳалокатлар оқибатини юмшатиш режаларини ишлаб чиқишлари шартлигини таъкидлаган.

3 Орбитада... электростанция

Япониянинг «Мицубиси» бошчилигидаги бир гуруҳ корпорациялари орбитада дунёда биринчи электростанцияни барпо этмоқда. Станция қуёш батареялари билан жиҳозланган 40 та сунъий йўлдошдан иборат.

Йиғилган энергия электр магнит тўлқинлари ёрдамида ерга юборилади. Сайёрамизда тўлқинларни диаметри 3 километр бўлган улкан ойна қабул қилади. У океanning буш ҳудудига жой-

лаштирилиши режалаштирилган. Мутахассисларнинг фикрича, фазовий электростанция ердагига нисбатан 10 карра самаралироқ ишлайди. Лойиҳани 2025 йилгача аяунлаш кўзда тутилган.

ДОМОДЕДОВО



4 «Домодедово»да кучли портлаш

Жорий йилнинг 24 январида Москванинг халқаро аэропорти — «Домодедово»нинг учиш жойидаги ҳудудда кучли портлаш юз берди. Маълумотларга қўра, портлаш натижасида 35 нафар фуқаро ҳалок бўлган. 180 нафари эса оғир жароҳатланган. 100 дан ортиқ жабрланганлар касалхонага ётқизилган. Россия Федерацияси ижтимоий тараққиёт ва соғлиқни сақлаш вазири Татьяна Голикованинг таъкидлашича, ярадорларнинг 39 нафари оғир аҳволда.

Мамлакат президенти Дмитрий Медведев 25 январь кунини берган баёнотида аэропорт маъмурияти хавфсизлигини таъминлаш борасида йўл қўйган хато-си учун жавобгарликка тортилишини айтган. Шунингдек, давлат раҳбари ўз нутқида: «Портлаш жойи ва бошқа ашёвий далилларга қараб айтиш мумкин-ки, теракт имкон қадар кўпроқ

инсонларнинг умрига зомин бўлиш мақсадида пухта тайёргарликдан кейин амалга оширилган», — дея таъкидлаган. Россия ҳукумати жабр кўрган оилаларга 3 млн. рубль ажратишни кўзда тутмоқда. Яраланганлар орасида Украина, Буюк Британия, Германия, Австрия, Сербия, Тожикистон, Қирғизистон каби давлатларнинг фуқаролари ҳам бўлган.

5 Қоҳирада оммавий тартибсизликлар

Мисрда мамлакат президенти Хусни Муборакнинг истеъфосини талаб қилиб кўзғолонлар бошланди. Полиция кўзғолончиларга кўздан ёш чиқарувчи газ ишлатишга мажбур бўлмоқда.

Махсус қурулланган 20 минг нафар полиция ходими жалб этилганига қарамадан, 10 минг нафар тартиббузар мамлакатнинг асосий майдони — Таҳрирда йиғилиб, оммавий намоишчини юзага келтирган. Тартибсизлик-

лар чоғида ҳукумат бинолари тошга тугтилиб, полицияга тегишли юк машиналари тортиб олинган. Намойишлар пойтахт — Қоҳира билан бир вақтда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам бошлангани хабар қилинмоқда.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.



1 Курашчиларимиз 2010 йилга якун ясадилар

**ЎТГАН ҲАФТАДА ЎЗБЕКИСТОН КУРАШ ФЕДЕРАЦИЯСИДА
2010 ЙИЛГИ СПОРТ МАВСУМИ ЯКУНЛАРИГА
БАРИШЛАНГАН ЙИГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ**

Тадбирда сўзга чиққан федерация мутасаддилари томонидан Баркамол авлод йили ўзбек кураши учун мусобақа ва ютуқларга бой бўлгани, хусусан, февраль ойида Грециянинг Салоники шаҳрида, июль ойида Буюк Британиянинг Ситтингборн шаҳрида Исрол Каримов аънанвий халқаро турнирлари ўтказилгани, декабрь ойида эса Ҳиндистон пойтахти — Деҳлида кураш бўйича ёшлар ўртасидаги VI жаҳон чемпионати ташкил этилгани таъкидланди. Ўз навбатида мазкур мусобақаларда полвонларимиз 14 та олтин, 8 та кумуш ва 9 та бронза медалларни қўлга киритганлари эътироф этилди.


Бундан ташқари, йиғилишда 2010 йил якунларига кўра турли йўналишлар бўйича ғолибликни қўлга киритган номинантларнинг номи эълон қилинди. Жумладан, Самарқанд кураш мактаби вакили — Суҳроб Бердиев ва қашқадарёлик Ўғилой Нуралиева йилнинг энг яхши курашчилари деб топилган бўлсалар, Бухоро вилояти терма жамоаси устози Собир Курбонوف «Йилнинг энг яхши мураббийи» номинацияси ғолиблигини қўлга киритди. Навоий вилояти Кураш федерацияси эса мамлакатимизнинг энг яхши минтақавий бўлими деб топилди.

27 январь-2 февраль кунлари учун олинган об-ҳаво маълумотларига қараганда, мамлакатимизда ҳафта давомида қуёшли кунлар бўлутли кунлар билан алмашиниб туради. 28-29 январь кунлари республикамизнинг деярли барча вилоятларида қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтади. Ҳавонинг ҳарорати эса бирмунча илб боради. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кечаси -4+1, кундузи 3-14 даража илқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида термометр тунда 0-7, кундузи эса 8-18 даража илқни кўрсатади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечалари 3-10, кундуз кунлари 12-18 даражагача исити қутилмоқда. Фарғона водийси вилоятларида тунда -6+2 даража, кундузи 4-12 даража илқ об-ҳаво қузатилади. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида тунлари -2+7, кундуз кунлари эса 10-18 даража илқ ҳарорат қайд этилади. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда кечаси -1+6, кундузи 8-13 даража илқ об-ҳаво қутилмоқда.



Бўйига: 1. Тўқши қобилиятига эга бўлган ҳашарот. 2. Пингвинлар қитъаси. 3. Паркетнинг ўзига хос тури. 4. Пул сўровчи, фақир. 5. Ин. 6. Испаниянинг йирик автоном ўлкаси. 8. Босмаҳона маҳсулоти. 13. Генетика фани ўрганадиган манба. 17. От абзали. 18. Чегра. 20. Пифагор жалвалининг бошқа номи. 21. Автомобилсозлар шахри. 22. Тан олиш, эътироф этиш. 24. Қишки «транспорт» тури.

Энига: 4. Дуруст, яхши. 7. Сайёрамизнинг энг катта ороли. 9. Геологларнинг ишида кенг қўлланиладиган портловчи модда. 10. Ёзувчи аёл. 11. Овқат ҳазм қилиш органи. 12. Самолёт русуми. 14. Италияча «хайр». 15. Жанг майдони. 16. Жаноб ... (комик образ). 17. Тун қуши. 19. Бадний асарни таъсирчан қилиб ўқиш. 23. Игнабаргли дарахт. 25. Мувоzanат сақлай олмаклик, қайқалиб юриш.



Бўйига: 1. Океанорти. 2. Бибиҳоним. 3. Шкала. 4. Умр. 5. Фламинго. 8. Аквариум. 10. Ламбада. 13. Қусто. 16. Башара. 18. Ошиқ. 19. Карп. 20. Марс. 21. Ошил. 22. Ароқ. 23. Лаби. **Энига:** 6. Скрипка. 7. Малла. 8. Ар. 9. Вазирлик. 10. Лама. 11. Бозор. 12. Кармана. 14. Атрибутка. 15. Об. 17. До. 21. Отамлашши. 24. Амалдор. 25. Отоқдор. 26. Пўстлоқ.

Саҳифа материалларини Шухрат ХУЖАЕВ тайёрлади.

2 «Австралия-2015»да албатта финалга чиқамиз

**ЭРТАГА ДОҲАДАГИ «АЛ САДД» СТАДИОНИДА ВАДИМ АБРАМОВ
МУРАББИЙЛИГИДАГИ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ҚИТЪАНИНГ УЧИНЧИ ЖАМОАСИ
ДЕГАН НОМ УЧУН ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ТЕРМАСИГА ҚАРШИ ТўП СУРАДИЛАР**

Сешанба кунини Ўзбекистон ва Австралия терма жамоалари иштирокида ўтказилган яримфинал ўйини футболни унчалик ҳушламайдиган юртдошларимизни ҳам қизиқтиргани аниқ. Абрамов ва унинг шоғирдларидан фақат ва фақат ғалаба қутган ашаддий ишқибозлар эса учрашув тақдири ҳал этилганидан сўнг (биринчи бўлимда дарвозамизни икки маротаба ишғол қилган яшил қитъа вакиллари, ўйиннинг иккинчи ярмида посбонимизни тўрт маротаба «хаф қилди»лар) ўтган йилги жаҳон чемпионатининг баъзи баҳсларини, жумладан, 4:0 ҳисобида яқунланган Германия ва Аргентина, Португалия ва КХДР (7:0) термалари ўртасидаги ўйинларни эслаган бўлсалар, ажабмас. Негаки, ЖАР майдонларида бўлиб ўтган ўша беллашувлар арафасида Марадона бошчилигидаги аргентиналиклар ҳам, Бразилия билан тенгма-тенг уйнаган шимолий кореяликлар ҳам муҳлису мутахассисларда жуда яхши таассурот қолдиришга улгуришганди.

Хусусан, «Қатар-2011»га сирли жамоалардан бири сифатида ташриф буюрган ҳамюртларимиз ҳам дастлабки тўртта ўйинда қутулгандан ҳам аъло ўйин намойиш этиб, нафақат Осиё, балки бутун жаҳон футбол аҳли эътиборини қозонишга муваффақ бўлганди. Ҳар бир учрашувда рақиб дарвозасини икки маротабадан ишғол қила олган футболчиларимизнинг ўзига бўлган ишончи ҳам ошиб бораётгандек эди гўё. Аммо, афсуски, бешинчи ўйинда терма жамоамиз ишлатмоқчи бўлган «курол»ни айнавакчиларимизга нисбатан қўллаган, яъни фақат қарши ҳужумлар орқали дарвозамизни ишғол қилган австралияликлар ўз олдларига қўйилган вазифани уддалашда деярли қийин-чиликка дуч келмадилар. Асосий дарвозабонсиз ва ожиз ҳимоя чизиги билан очик футбол намойиш этишга ҳаракат қилган терма жамоамиз эса ўтган йили Месси ва унинг жамоадорлари тушган ҳолатни бошдан кечиришга мажбур бўлдилар. Дарвоқе, посбонларимиз ҳақида: айнан Игнатий Нестеровнинг жароҳати жамоамизга жуда қимматга тушди. Бинобарин, термаимизнинг биринчи дарвозабони нафақат ўзига тегишли бўлган ҳудудни назорат қилиш, балки Темур Жўраевдан фарқи ўлароқ жамоадорларини руҳан қўллаб-қувватлай олиш қобилиятига эга эди. Тўғри, сешанба кунини бўлиб ўтган учрашувда вакилларимиз инглизча ўйин услубини намойиш этадиган, жисмонан бақувват, жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, катта тажриба тўплашга муваффақ бўлган Австралия термасига имкон қадар қаршилиқ кўрсатишга ҳара-



кат қилган бўлсалар-да, улар орасидан фақат Одил Аҳмедовнинг ҳаракатлари қандайдир натижа берди, дейиш мумкин. Зеро, бутун ўйин давомида майдоннинг барча чизикларида ҳозир нозир бўлган «Пахтакор» сардори ўзбекистонликлар томонидан уюштирилган санокли голли вазиятларнинг вужудга келишига сабабчи бўлди.

Шунга қарамай, ўз ўйин услубига эга бўлган термаимиз қитъанинг кучли тўртлигидан ўрин олди. Уч-тўрт йил аввал Рауф Инилеев томонидан шакллантирилган, бир неча ой илгари эса Абрамов сый-ҳаракатлари билан тақомиллаштирилган жамоамиз ўзбек футбол тарихида илк бора Осиё кубогининг яримфиналига қадар етиб келди...

Умид қиламизки, келажакда Ватан шайни йўлида қуялган, миллат учун ёнадиган йигитлардан иборат ЎЗБЕКИСТОН жамоаси нафақат қитъа, балки жаҳон чемпи-


натларида ҳам Австралиядан-да кучли рақибларни доғда қолдириб, ўйиндан сўнг майдонни бошни юқори кўтарган ҳолда тарқ этадилар.

Япония ва Жанубий Корея ўртасида ўтказилган иккинчи яримфинал учрашуви ҳам Ўзбекистон-Австралия учрашуви сингари голларга бой бўлди. Фарқи томони шуки, Шарқий Осиё дербисиде тўплар ҳар икки томон дарвозаларига киритилди. Асосий ва қўшимча вақтда ғолиб аниқланмаганидан сўнг (2:2), ҳакам жамоаларни пенальтилар серияси тақлиф этди. Футбол «лотереяси»да эса омад Кунчикар юрт вакилларига қулиб боқди.

XV Осиё кубоги.
28.01.2011 йил. 20:00. 3-ўрин учун ўйин. «Ал Садд» стадиони.
Ўзбекистон-Жанубий Корея.
29.01.2011 йил. 20:00.
ФИНАЛ. «Халифа» стадиони.
Япония-Австралия.

3 Бекободда ёш самбочилар турнири

Металлургия шахри — Бекободда ёшлар ўртасида самбо бўйича йирик халқаро турнир бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг деярли барча минтақаларидан, шунингдек, Россия, Қозғистон ва Тожикистондан келган 200 нафардан ортиқ умидли курашчилар қатнашган мусобақада умумжамоа ҳисобида ўзбекистонлик самбочилар биринчи ўринни эгалладилар. Хусусан, Азим Мадраимов (45 кг.), Раҳмон Бойтўраев (65 кг.), Азиз Ҳотамов (70 кг.) ва Собит Илҳоқов (75 кг.) каби спортчиларимиз ўз вазн тоифаларида тенгсиз деб топилдилар. Шунингдек, ҳамюртларимиздан Карен Багдасарян (56 кг.), Ҳумоюн Эргашбеков (60 кг.) ҳамда Павел Когутта (70 кг.) иккинчи ўрин насиб этган бўлса, энг енгил вазнда (45 кг.гача) ҳаракат қилган вакилимиз Абдураул Туранов учинчи ўринни эгаллади.



4 Жиззах автодромидаги муросасиз баҳслар

Якшанба кунини Жиззах яқинидаги автодромда автопойга бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Мамлакатимизнинг 60 нафардан ортиқ «тезлик шайдолари» иштирок этган мусобақа кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди.

«А-8» таснифига кирувчи пойғаларда Ростислав Беляковга тенг келадиганлар топилмаган бўлса, «А-9»да биринчи ўринни Игорь Цой эгаллади. Антон Туманов Асака заводида ишлаб чиқарилган «Nexia»лар ўртасида ўтказилган пойғаларда марра чизигини биринчи босиб ўтган бўлса, Олег Куликов катта гилиракли «Baggi» таснифига кирувчи машина ҳайдовчилари баҳсида ғалаба қозонди. Терма жамоалар орасида Наманган вилояти, клублар баҳсида эса пойтахт вакиллари энг яхши натижаларни қайд этдилар.

МЧЖ «ЖОМБОУ ЈАВОНІРІ» ЎЗБЕКИСТОН ТУРКИЯ ҚУШМА КОРХОНАСИ
МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ:
Қопланган микрокальцит — 065ZMK, 095MK, 1MK, 2EXMK, 2MK, 3MK, 5MK
Микрокальцит: 065M, 095M, 1MK, 2EXM, 2M, 3M, 5M, 10M, 15-40M

AGROBANK
Эффективный рост ваших капиталов